



ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК
ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ КУРСИ БЎЙИЧА
МАЪРУЗАЛАРНИНГ
ҚИСҚАЧА БАЁНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КУРСИ ВЎЙИЧА
МАЪРУЗАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ**

**ТОШКЕНТ
“УНИВЕРСИТЕТ”
1998**

Тўплам мустақиллик шароитидаги Ўзбекистоннинг давлат ва жамият курилиши, иқтисодий ислоҳотлар ҳамда маънавий юксалишнинг назарий томонларини, янги жамият сари йўл олган республиканинг шу масалаларга оид амалиётини қамраб олган. Ундаги фикр ва мулоҳазалар охирги йилларда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси материаллари, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодий ислоҳотлар, демократик, ҳукукий давлат куриш, фуқаролик жамиятини барпо этишга оид асарларига, шунингдек, мамлакатимиз кундалик турмушини таҳлил қилишга асосланган.

Кўлланма юқори курс талабалари, аспирантлар ва ўқитувчиларга мўлжалланган. Мазкур тўплам Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги томонидан тавсия этилган ўқув дастури асосида илж маротаба тузилди. Шунинг учун ҳам унинг баъзи бир камчиликлардан холи эмаслигини зътиборга олиб, муаллифлар матнлар мазмуни ва услубий йўналишлар бўйича таклифлар билдирганларга олдиндан миннатдорчиликларини билдирадилар.

Тузувчилар: проф. А.Азизхонов (раҳбар),
доцентлар - К.Зиётов,
Ф.Набиев,
С.Орифхўжаев,
т.ф.н. Д.Хабибуллаева

Илмий муҳаррир: Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби,
профессор А.Т.Азизхонов

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори,
проф. А.Абдусамедов,
тарих фанлари доктори,
проф. С.Сиддиқов.

КИРИШ

РЕЖА:

1. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанининг назарий асослари, маңбалари.

2. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанининг ҳукуқий давлат, фуқаролар жамияти барпо этишдаги аҳамияти.

Ўзбек халқининг ўз мустақил давлатчилигини кўлга киритиши олам шумул тарихий воқеадир. Унинг буюк маҳсулі бўлган "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани ўзига хос жоҳатлари билан ажralиб турувчи илмий билимларнинг меъомуи бўлиш билан бирга, унинг муайян соҳасига оид асосий гоялар тизими ҳамдир. Бу тизимда ижтимоий ҳодисалар ва воқеалар, улар ўртасидаги мухим алоқалар ва бөгланишлар аниқ воқелик билан чамбарчас ҳолда тадқиқ этилади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанининг предмети жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва республикамизнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, одил, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг назарий масалаларини тадқиқ этди ҳамда уни амалиётчилар учун дастур сифатида таклиф этиш билан шугулланади.

"Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани ижтимоий воқеликнинг ўзига хос қонунларини кашф этиш асосида жамиятдаги жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, тушунтириш ва илмий хуносалар чиқариш билан шугулланади. Шу боис, ушбу фан ҳозирги ижтимоий эҳтиёж сифатида вужудга келди ва шаклланмоқда. Шу билан биргаликда, у барча фанларниг ижтимоий тараққиётидаги ўринни белгилайди ва ҳатто дунёқарашни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиши муқаррар. У ўзининг мантиқий тузилишига ҳамда илмий таҳлил усуслари ва воситаларига кўра мустаҳкам назарий маңбага асосланади. Бу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилган "Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг кириш қисмидан олинган қўйидаги қондаларни келтириш ўринлидир:

"Бош Ассамблея инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва давлатлар томонидан бажаришга интилиши зарур бўлган вазифа сифатида эълон қиласи. Бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамият ҳамиша ана шу декларацияни назарда тутиб, маърифат ва илм

йўли билан уни ҳурмат қилинишига интилишлари керак"¹. Ўтган йиллар давомида ушбу ҳуюқат жаҳон жамоатчилиги ўртасида тан олинди ва унинг асосида демократик давлатларнинг конституциялари ишлаб чиқилди. Демак, мазкур декларация ва конституциялар демократик, одил давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим мезони ва фаннинг назарий асоси бўлиб хизмат қиласди, дейишимиз мумкин.

Тўплангандай тажрибалар шундан далолат берадики, ҳар бир миллат ва давлат ўзининг ривожланиш жараёнида эркин бўлиши, мустақил ҳаракат қилиши билан бир қаторда, халқнинг тарихий анъаналарига, чунончи маънавий-ахлоқий қадриятлари, давлатчилик, ижтимоий ҳаёт, ахлоқийлик ҳамда инсонийлик тўғрисидаги ўзига хос тажрибаларига асосланмоги лозимдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилариданоқ Ўзбекистон ўз тараққий йўлини фаол излади, бу давр Ватанин эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди. Жаҳон ҳамжамиятига кириш, давлатларо кўпкиррали алоқаларнинг энг мақбул йўллари изланди. Буларнинг барчаси жамиятни янгилашнинг Ўзбекистонга хос йўлини келтириб чиқарди. Бу йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтиёдиётини шаҳлантаришга жаҳон тажрибасини, шунингдек, ҳалқимизнинг турмуш шаронитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган, конституцион асосга эга бўлган республика аҳолисининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт жараёнидир.

Айнан шундай ривожланиш Ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечиришлари учун кафолат бўлади, миллий анъаналар ва маданиятнинг юксалишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тикланишини таъминлайди.

“Пировард мақсадимиз, - дейди И.А.Каримов, ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига очиқ ташки сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.”² Шундай қилиб, танлаган йўлимиз мамлакатнинг мураккаб тажрибасини, ўзига хос хусусиятларини ва ҳалқимизнинг ақлзаковатини ҳисобга олиб, ўз йўлимиздан аниқ мақсад сари қатиъят билан илгарилаб боришдан иборат.

Ушбу йўлни амалга оширишга, демократик жамиятни барпо этишга Президент И.А.Каримов илгари сурган беш тамойил асос қилиб олинган.

¹ Международный бильль о правах человека. ТОШКЕНТ, Адолат, 1992, 9-бет.

² Каримов И.А. Илм-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилинти: ЎзРФА умумий йиғилишида 1994 йил 7 июнда сўзланган нутқ. - Ватан Ҳақдагоҳ каби муқаддасдир. ТОШКЕНТ, Ўзбекистон, 1995, 46-бет.

Бу тамойиллар факат бизнинг мамлакатимизда эмас, бошқа давлатларда ҳам тан олинди. Унинг асосий мазмуни қўйидагилардир:

биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устивор бўлиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши;

иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши;

учинчидан, қонун ва қонунларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги;

тўртичинчидан, кучли юқтимоий сиёсат юргизиш;

бешинчидан, бозорга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Мақсад сари қадам-бақадам илгарилаб бориши учун, Президент И.А.Каримов жуда ўринли белгилаганидек, - "Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади ҳалқимиз манфаатларини ўйлайдиган, унга фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпо этишдир".

Жаҳонда идеал демократик жамият ҳам, ҳуқуқий давлат ҳам йўқ. Ҳар бир муайян демократик жамият ва ҳуқуқий давлат ўзига хос бўлган хусусиятга эга. Фанимиз мана шу муҳим холосага таянган ҳолда, унинг аҳамиятини Ўзбекистон тимсолида тушунтиришга ва кўрсатишга интилади. У синфийлик ва партиявийлик гояларидан мутлақо холи бўлиб, унда иқтисодни мафкурадан устун қўйиш, инсонийлик, миллий истиқлол ва тикланиш, юқтимоий-сиёсий барқарорлик гоялари муҳим ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан олганда ўтиш даврининг муҳим хусусиятлари мазкур фанда яхлит тарзда, яққол ва аниқ шаклда муқассам равишда ўз ифодасини топади.

Демократик жамият қуриш шароитида назария бир ёки бир нечта, тор доирадаги ижтимоий-сиёсий гурӯхларнинг, шу жумладан, ягона миллатнинг манфаатларинигина эмас, балки бутун инсониятнинг юксалишига хизмат қиласидиган гояларга таяниши лозим бўлади. Зоро, ҳозирги илм-фан, техника ривожи ва тараққиётнинг устивор йўналишлари инсониятнинг ер юзида қандай кескин ижтимоий-сиёсий вазиятда яшashi ва фаолият кўрсатиши масаласини қўндаланг қилиб қўймоқда. Агар ушбу муаммоларни ҳал этиш, ўзаро мақбул ва манфаатли йўллар билан амал-га оширилмаса; аксинча, синфий манфаатлар нуқтаи-назаридан ҳал қилинса, умумбашарий ҳалокат муқаррардир. Бу ҳалокатни олдини олиш эндилика, жамиятда тутган ижтимоий ўрни ва мавқеидан қатъи назар, барча инсонларга боғлиқ. Уни бартараф этиш синфий ва гурӯхий манфаатларни устун қўйишни инкор этади. Натижада ижтимоий тотувлик, муросаи-мадора биринчи ва ҳал қилувчи ўринга чиқади. Қиёмат қойимга қиёсланадиган ядро уруши ва экологик ҳалокатгача бориб

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўнида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 9-бет.

етмаслик учун ҳар қандай муаммоларни ўзаро манфаатли келишув йўли билан ҳал қилиш юктимож қонуниятга айланади. Шунга кўра, фанинг назарий ва методологик асосларига янгича, замонавий фикрлаш та-лаблари тақозоси билан ёндошиш зарур. Бу умуминсоний қадриятлар-ниң бир бўлаги - миллийликни синфиийликдан ва шовинистик байналми-налийликдан устун қўйишдир. Зоро, бу муаммоларни ҳал этмай демо-кратик жамият куриш, унинг мафкураси ва назарияси муаммоларнини-ниш гайритабиийдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” фанинг асосий вазифаси ва унинг ўзига хос томони шундаки, у жамиятни яхлит, бир бутун юктиможи жараён сифатида ўрганади ҳамда ҳозирги даврга мос равишда тадқик этади.

Ушбу фанинг назарий масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли”, “Йўлимиз - мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли”, “Истиқолол ва маънавият”, “Ўзбекистоннинг сиёсий-юктиможий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида” ва “Ҳозирги босқынча демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари” номли асарларида ҳамда нутқларида ўз аксини топган, улар республикамизда янги жамият куришнинг истиқболли дастури бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг Президент И.А.Каримов асарларида асослаб берган хulosалари мазмун ва моҳиятига кўра кўнишиб қолинган анъанавий андозалардан тубдан фарқ қиласди. Шу нутқтаи-назардан қараганда, биз кураётган янги жамият ҳам ўзга жамиятлардан ўзининг мазмуни жиҳатидан кескин фарқ қиласди ҳамда биз таълаган йўлнинг ўзига хослигини ва бетакрорлигини белгилайди.

Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда жаҳон ҳалқа-рининг тарихий таърибалари, ҳалқимизнинг бой ва қадимий мероси ҳамда шарқона турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ илмий-фалсафий қарашлар ва амалий таърибаларни ҳам фанинг назарий асоси сифатида ўрганиши мумкин.

Одил демократик жамият қуришга интилиш борасида Ўзбекистон ҳалқлари ўзининг бой тарихий меросларига эга. Қадимги Шарқ мута-факирлари ва ҳуқмдорлари адолатли жамият куриш учун аввало қо-нуниларга амал қилинишини ва шу йўл орқали ҳукукий давлат куришини таъкидлаганлар. Шарқнинг буюк файласуф олими Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” номли рисоласида: “Адолатли ҳуқмдор янги қонун қабул қилинаётганида ахлининг барча табақалари

ва авлодларига баҳт-саодат, шоду ҳуррамлик калтиришни албатта ҳисобга олади". деб башорат қилган.

Ўзбекистонда одил, демократик жамиятни барпо этишда Турк ҳоқонлиги, сомонийлар ва темурийлар даврларида давлатчиликка тааллуқли бўлган бой тарихий тажрибаларни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Мазкур даврларда яратилган юқтимоий-сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий гоялар ўз мазмунига кўра демократик жамиятнинг моҳиятини ифода этган. Бу ўринда Бурхониддин Марғинонӣ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, А.Навоий ва бошқа кўплиаб ватандошларимизнинг асарлари муҳим ўрин тутади.

Хусусан, буюк жаҳонгир Амир Темур ўзининг тузукларида давлатни идора қилишда ўша даврда маълум ва машхур ўн икки қоидага асосланганлигини таъкидлаб ўтгани ҳам ушбу фәкримизнинг ёрқин далили-дир.

Бундан ташқари "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани инсон манфаати, эркинлиги ва қадр-кимматига хизмат қилувчи тинчлик, меҳнат, озодлик, биродарлик, адолат ва баҳт каби умуминсоний қадриятларга асосланиб, демократик жамият қуришнинг умумбашарий илғор гояларини амалга оширишнинг қулай усул ва ўйналишларини ўзида акс эттиради.

Курсларни ўрганишнинг асосий манбалари - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарор ва қонунлари, Республика Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарор ва фармойишлари, айниқса, Президентнинг бир қатор фундаментал асарлари: "Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистоннинг юқтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаш-тириш йўлида", "Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаш-тиришчинг муҳим вазифалари" ва бошқалар ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган асарларда ҳамда кейинги нутқ ва маърузаларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг вазифалари, устивор йўналишлари ва механизmlари, дастлабки якунлари ҳамда сабоқлари ҳар бир алоҳида босқичга хос равишда асослаб берилган; демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятининг юқтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини маълум тизимга солиниши билан бирга, улар асосида барпо этилаётган янги жамиятни такомиллаштириш, демократик бошқаришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган.

Келажак сари олга интилиш, тараққиёт ва юксалишнинг таъминлаши учун республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг назарий асосларини, амалий услубларини тушуниб олиш ва ўзлаштириш гоят муҳим ёт. Бу айниқса эртага ғимлакатнинг келажаги учун жавоб-

гарликни, масъулиятни ўз зиммасига олиши керак бўлган бўлгуси мутахассис талабалар, умуман ёшлар учун зарурдир.

Ушбу мақсадларга эришишда, ҳалқимиз ва ёшларимизнинг юкимоий фаолигини оширишда “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” курсининг аҳамияти катта. Унда Ўзбекистон мисолида демократик, ҳуқуқий давлат ва янги жамиятга хос бўлган қодиса ва воқеалар, жараёнлар, қўлга киритилган ютуқлар, сабоқлар илмий таҳлил қилинади.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани миллый истиқтол, мустақилликнинг мевасидир. Туб ислоҳотлар, янги жамиятни барпо этиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ҳозирги давр талаби экан, бу жараёнда юзага келган иқтисодий, маънавий муаммоларнинг онгли ечимини, ижтимоий фаолликни шарт қилиб қўйди. Лекин бўлаётган ўзгаришларни илмий тафаккур орқали қабул қилиш (тахлиллаш), мантиқий асослаш, мазкур фанни илм оловчиларга маҳсус, тегишли малакага эга бўлган олим-мураббийлар томонидан моҳирона, мутасил, изчил етказишни талаб қиласди. Табиий-техникавий ёки юкимоий-гуманитар соҳа вакиллари, талабалари ҳозирги иқтисодиёт ва маънавиятга тегишли ўзгаришларни мустақил мутолаа қилиш йўли билан эмас, балки тизимли асосланган йўл билан эгаллашлари керак.

1-мавзу. ҲАЛҚИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

РЕЖА:

1. Миллый мустақиллик гоясининг илдизлари.
2. Туркистонда миллый мустақиллик гоясининг шаклланиши, озодлик курашлари, уларнинг тарихий аҳамияти.
3. Туркистонда жадидчиликнинг миллый-озодлик ҳаракатидаги ўрни.
4. Ўзбекистонда шўролар мустамлакачилиги, унга қарши миллый-озодлик ҳаракатлари, уларнинг оқибатлари.

1. Маълумки XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига туб ўзгаришлар, улкан ва унтилмас воқеаларга бой давр сифатида кирди. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. XX асрнинг энг асосий ва муҳим белгиларидан бири - ер юзининг турли миңтақаларида миллий-озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб, ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатларнинг бирин-кетин озодликка эришганликларидир. Бу даврнинг иккинчи ўзига хос белгиси - социалистик лагернинг өмирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, собиқ совет жамиятни ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидан иборатдир.

Озодлик, мустақиллик ўзбек ҳалқининг азалий орзуси эди. Бир асрдан ортиқ давр ичидаги мустамлакачилик ва миллний зулм, қирғин-

барот ва йўқилик, таъқиб искаңжасида ҳаёт кечириб келган халқ учун мустақилликка ва озодликка эришишдан ортиқроқ баҳт бўлмаслиги табиий, албатта.

Мустақиллик ҳар қандай халқ, элат ва миллатнинг табиий, қонуний эҳтиёжи, олий мақсади демакдир. Қолаверса истиқтол - халқ ва миллатнинг ўзи ҳал этиш, истиқболини ўзи белгилаш, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган жамиятни қуриш, пойдевори миллатнинг буюк давлатчилиги асослари билан мустаҳкамланган давлатга асос солиш, унинг ички ва ташқи сиёсатини даҳлсиз олиб бориш баҳтига мұяссар бўлишидир.

Мустамлака шароитида қолган мамлакатда маҳаллий аҳоли қадркимиати топталиши билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт сустланади ва ривожланиши бир томонлама бўлади, илм-фан, адабиёт ва санъат қаттиқ назорат доирасида бўлади. Маънавият ҳукмон мағкура талабларига мажбуран бўйсундириллади. Ҳаётнинг жамики тизимларида ижтимоий адолат талаблари кўпол равишда бузилади. Лекин алоҳида айтиш лозимки, мустақиллик йўли ҳеч бир мамлакатда равон, теп-текис бўлган эмас. У ниҳоятда мураккаб, оғир, зидди-ятли тарихий жараён бўлиб, кураш билан, қон билан қўлга киритиллади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳалларимиз олиб борган узоқ ва сермашақкат курашларнинг қонуний натижасидир.

Тарихдан маълумки, халқимиз эркинликни ва мустақилликни, қарам бўлиб яшашдан жон беришни ағзал билганлар. Шу боис, юртимизга қилинган ҳар бир тажовузга ўзбек халқи ўзининг муносиб жавобини берган, жумладан мелоддан аввалги 104-101 йилларда Хитой истилосини ёки V асрда эфталитлар босқинчни, Эрон шоҳлари, Юнон-Македон императорлари, араблар ва мўғул-ттарларнинг истилочилик ҳаракатларини ёдга олиш кифоядир.

Бундай босқинчларга қарши Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Таробий ва бошқа фидоий инсонларнинг Ватанимиз, миллатимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида кўрсатган мислсиз жасоратлар миллий истиқтол гоясининг вужудга келишига даъват этди.

2. Миллий мустақиллик учун кураш айниқса, Чор Россияси Туркistonни босиб олганидан кейин авж олди. Туркistonга қизиқиш Рус давлатида Петр I ҳукмонлиги давридаёқ бошланган эди. Тарихдан маълумки, Туркiston, Хива ва бошқа ўзбек хонликларини босиб олиш учун қилинган юришлар ҳаммаси мувваффақиятсиз якунланган. Аммо Петр I ҳукумати ўзи гиоятидан қайтмади. Чор ҳукуматининг Туркistonга қарши босқинчлик юришлари Петр I сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.¹

¹ К. ғани: Ғуломов Ж., Гоғуров З. Мустақиллик ва миллий тикшорини. ТОШЕНГИ, Ўзбекистон, 1996, 23 бет.

Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши - ўлкамиз · тарихидаги энг қора, энг қонли саҳифадир. Русия Туркистоннинг жуда катта ҳудудларини XVIII асрнинг ўртасидан XIX аср бошига қадар истило этгандан кейин Қўқон давлатини ўз ҳокимияти остига олиш ҳаракатини бошлади. 1852-1853 йилларда Қўқон хонлигига қарши Оқмачит, Кўмишқўргон, Чимқўргон, Қошқўргон ва бошқа кўлгина жойлар рус армияси томонидан биринчкетин ишғол этилди. Хуллас, 24 йил (1852-1876)лик жанг жадаллардан сўнг Русия Қўқон хонлигини йўқ қилишга эришди. 1865-1868 йиллардаги урушлар натижасида Бухоро давлати мағлубиятга учради. 1873 йили февралида руслар Хивани 12300 дан ортиқ аскар, 56 тўп билан забт эта бошлади. 1873 йил 29 майда Туркистон генерал губернатори фон Кауфманнинг кўмандонлиги остидаги 6965 рус аскарлари хонлик пойтахти - Хивани ишғол этилар.¹

Қонхўр генерал Скобелев 1881 йилнинг' 12 январида Кўлтепада 22,5 мингдан зиёд бегуноҳ туркман, қозоқ, ўзбек, қирғизларни ҳаҳшиёна чопиб ташлайди. У Андижон шаҳрини тўлга тутиб, вайронна қилдирди, 3 минг нафар одам вайроналар остида қолиб кетган.² Шундай қилиб, Туркистон ўзининг мустақиллигидан мана шундай ёвузликлар натижасида маҳрум бўлди.

Босқинчиларнинг Туркистонни мустамлака қилишдан мақсади турли усуллар билан амалга оширилди: кучли техникадан фойдаланиб, шаҳарни қамал қилиш, қардош қозоқ, қирғиз, ўзбек, тоҷик, туркман халқлари орасига ниғоҳ солиш, халқнинг гурурини топташ ва ҳоказо.

Бундай чексиз ёвузликларга жавобан халқ оммасининг озодлик, миллий мустақиллик учун кураши кучайиб борди. Мустамлакани босқинчиларга қарши Ватанини озод қилиш ва ҳимоя қилиш халқ ҳаракатлари турли кўринишда (қаршилик кўрсатиш, исёнлар, қуролли қўзғолонлар шаклида) намоён бўлди.

Унутмаслик керакки, Чор Россияси ҳокимияти ўрнатилган, Туркистонда 4600 дан кўпроқ исён кўтарилиди.³

Қаршилик ҳаракатлари - босқинчилар Ватанимиз тупрогига қадам қўйган пайтдан, яъни Оқмачит, Авлиеота, Туркистон, Чимкент, Хўжанд, Каттақўргон, Самарқанд ва бошқа аҳоли масканларини ҳимоя қилишда, хонликларда давлатчиликни саклаб қолиш учун олиб борилган жантларда содир бўлди.

Исёнлар - маҳаллий ҳукмдорлар, ҳоким амалдорлар ўртасида тожтахт, ҳокимиятни кўлга киритиш йўлида олиб борилди. Бунга яққол

¹ Қаранг: // Шарқ юлдузи, 1992, 3-сон, 145-бет.

² Қаранг: Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. ТОШКЕНТ, "Нур", 1992, 11-12 бетлар.

³ Боймирза Ҳ. Халқимга сўз. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992. 3 январ.

мисол 1872-1874 йилларда Қўқон хонлигига бўлиб ўтган Худоёрхонга қарши сарой аъёнлари ҳамда шаҳзода Насриддинбек исенлариридир.

Миллий-озодлик ёки ҳалқ ҳаракатлари.

Аввалги икки шаклдаги кураш олдига қўйилган мақсадлари, ҳаракатери, ҳаракатлантирувчи кучлар кенг ҳалқ оммаси табақаларининг иштироки, кураш усули бир-биридан фарқ қиласди. Бундай ҳалқ ҳаракатлари кураш олиб бораётган ҳалқнинг эҳтиёж-истакларини, эътиқодларини, анъаналарини ўзида мужассамлаштирган муайян мафкурага таянади.

"Миллий озодлик ҳаракати" тушунчаси ижтимоий-сиёсий кураш маъносини англатиб, XIX асрдан қўлланила бошланган мустамлаканилик сиёсати ва зулми билан бояглиқ. Озодлик учун олиб бориладиган бундай урушлар миллий мустақиллигига эга бўлган давлатлар босиб олингач, у ерда миллий давлатчиликни тиклаш, мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш йўлида олиб бориладиган ҳаракатлардир.

Мустақиллик ва эрк учун кураш 1868 йили Самарқандда, 1871 йили Сирдарё вилоятида исен тарзида намоён бўлди. 1878 йили Андижонда бўлган ҳаракатлар, 1882 йилда Марғилонда рўй берган воқеалар, 1892 йилдаги Тошкент қўзголони, 1893 йилда Қўқон атрофида кўтарилиган исенлар, тарихимизга Дукчи Эшон қўзголони номи билан кирган 1898 йилдаги сиёсий воқеалар ҳам ўзининг туб моҳиятига кўра Чор Россиясининг бошқа ҳалқларни босиб олиш, кул қилиш, талаш сиёсатига қарши олиб борилган миллий-озодлик курашлари эди.

3. XX аср бошларида зулм остида қолган ҳалқимизнинг ижтимоий фаоллигига маънавий куч бериб турганлардан бири машҳур маърифатпарвар Исмоилбек Гаспиралиниң Туркистонга келиши, истиқлол ҳақидаги фикрларниң ўлкада ёйилиши Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмудов, Убайдулла Хўжаев каби сиймоларни миллат учун курашга отлантириди. Шу сиймоларниң фидокорлиги билан Туркистон ва Бухоро амирлигига "Турон", "Гайрат", "Қатъият", "Бирлик", "Турк ўчоги", "Тарбияи атфол", "Таълими маориф" каби жамиятлар пайдо бўла бошлади. Бу жамият ва Исмоилбек Гаспиралиниң маориф, матбуот, тил, ижтимоёт соҳасидаги тарбиботлари Туркистонда зўр қувват олиб, чукур илдиз отди. Беҳбудий ва Мунавварқори Туркистонда янги усулдаги мактаблар очиб, ҳалқимизни мутлақо янги ижтимоий-маданий ўзангга буришни бошлаб бердилар. Бу ўзан тарихда "Жадидчилик - тараққийларварлик" деб аталади.

Жадидлар ўлкамизни қолоқлик ва зулмдан қутқармоқ учун аввало маърифий-маданий ташаррүти тоғир оптириб, ҳалқни катта курашига

етакламоқчи бўлдилар. Чунки жадидлар наздида ҳар қандай давлатнинг 5 та таянч нуқтаси бўлган: сиёсат, ҳарб, иқтисод, маданият, матбуот.¹

Жадидлар ўзбек миллий демократик матбуотнинг вужудга келиши учун жонбозлик кўрсатдилар.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ҳаётга катта таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, узоқ асрлар мобайнида икки йуналишда - сарой ва анъанавий шаклда яшаб келган театр санъатига ҳам катта ўзгаришлар киритди. Бунда албатта ўлкамизга сайру тижоратга келган рус, татар, озарбайжон театрларининг таъсири ҳам сезиларли бўлди. Оврупача шаклдаги театрларнинг Туркистонда, хусусан, Бухорода то-мошалар кўрсатгани маълум.

Аммо Оврупа театри нусхасидаги ихтифослашган театрнинг ҳақиқий тарғиботчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийлардир. Улар театрга ҳақиқий ҳаёт мактаби деб қарадилар. Оврупа театри нусхасидаги ўзбек саҳна адабиёти ва театри-ни икки босқичга бўлиш мумкин. Негаки, 1913-1915 йиллар театрда сиёсий маърифатпарварлик барқ урса, 1916-1921 йилларда эса миллий истиқлол учун кураш ёрқин кўринади.

Ўтмишимиздан маълумки, сабиқ Совет Иттилоқида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кадрларга, айниқса миллий кадрларга ҳужум компа-нияси бошланиб кетди. 20-30 йилларда жадидчилик реакцион буржуа миллагачилик ҳаракатидир, деган концепция мустаҳкам ўрин олиб, 30-йиллардаги қатагон даврига уланиб кетди. Фақат ошкоралик ва истиқлол шарофати билангина жадидчилик масаласида янгина қарааш, янгича ёндошув бошланди.

Мустамлакачи кучларга қарши курашдан дастлабки мафкура ислюм гояси асосида шаклланган жадидчилик бўлди. Таркиб топган “Жадидлар”, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар”; “Турк одами мар-казий федералист фирмаси”, социалистик “Эрк” каби сиёсий партиялар, шунингдек, ҳалқ ҳаракатлари - паниломизм, пантуркизм, “Шўрои Ис-лом”, “Шўрои Уламо”, “Турон” ва бошқалар жадидчилик заминида ва унинг раҳнамолигида пайдо бўлди.

Маҳаллий ҳалқлар большевикларнинг берган ваъдаларига ишониб, кўп маротаба алдандилар. Бироқ мустақиллик гояси оддий тушунчадан аниқ ишлар ҳолига кўчди. Бундан ташқари, ҳокимииятга келган большеви-кларнинг найрангларидан сўнг, Туркистон ҳалқларида Шўролар ҳукума-тига, у юргизаётган миллий сиёсатга ишонч қолмади. Маҳаллий мусул-мон миллат вакиллари ҳар қадамда, ҳар дақиқада великорус шовинист-лари томонидан ўзларига нисбатан ишончсизликни, душманликни кўрдилар. Улар миллий-озодлик кураши йўли билангина ўз тақдирлари-ни ўzlари ҳал қилишлари мумкинлигига қатъий ишондилар.

¹ Қаранг: Шарқ ўлдузи, 1992, 4-сон, 184-бет.

4. 20-30 йилларда эса бундай қаршилик оммавий қатагон тусини олгани ҳаммага маълум. Бу даврда “буржуа миллатчилари” билан кураш Москва учун сезиларли натижалар берди. Тоталитаризм ва диктатурага асосланган тузум қатагонларни янада авж олдириб юборди.

А.Икромов ва Ф.Хўжаев миллатпарварларнинг илк қурбонлари бўлдилар. Улар даставвал социализм гояларига ишонган эдилар. Алданганликларини сезгандан сўнг, ўз норозилкларини очиқ билдира бошладилар. А.Икромов Ўзбекистон Компартияси раҳбари лавозимида ишлаб, 1929 йил умумиттифоқ партия конференциясида Ўзбекистон ҳамон мустамлака ҳолида яшаётганини рўйи рост галирди. Бошқа партиявий аюкуманларда ҳам А.Икромовнинг Сталин билан миллий тенгсизлик ҳақидаги баҳсларига оид маълумотлар бор. Бу ҳолдан ташвишланган Сталин А.Икромовни Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олишлик ҳаракатида айблади ва оттириб юборди. Миллатпарварларнинг тақдиди ана шу зайлда ҳал бўлаверди.¹

Н.Хрущев даврида, гарчи сталинча оммавий қатлиомга барҳам берилган бўлса-да, барибир демократия ва ошкораликка йўл берилмади. Республикалар раҳбар ходимларини “заңжирбандликда ушлаш” сиёсати давом этди. Мустамлакачилик ва миллий зулм яна бир неча ўйилларга чўзилди.

50-йилларда Н.Муҳиддинов ақл идроки, тадбиркорлиги билан эл оғизга тушди. Унинг ҳам мустақиллик учун, миллийлик учун ўзига хос кураш шакллари бор эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида қолоқлашган қишлоқ хўжалигини тиклашга, саноат тармоқларида ўзбеклар сонини кўпайтиришга, фан ва маданиятни ўстиришга катта эътибор берди. Эндиликда Тошкентни сув билан таъминлаб турган сув омборини бунёд этишнинг ташаббускори бўлди. А.Икромов, Ф.Хўжаев, С.Сегизбоев, Абдулла Қодирий ва бошқа қатагонга учраган кишиларнинг номини оқлаш учун гайрат кўрсатди.

Н.Муҳиддинов истеъододли давлат арбоби, миллатпарвар сифатида обрў қозонаётган бир пайтда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети уни сиёсий бюро аъзолиги ва котиблигига сайдаб, Москвага олиб кетиб, ҳамма лавозимлардан четлатди ва ўттиз йил давомида Ўзбекистонга қайтишга йўл бермади. Бу амалда сургуннинг ўзи эди. Марказ истеъододли миллий кадрларни умумхалқ суюнчигига айланшини хавфли деб ҳисобларди.

“Занжирбанд” ҳукмдорлар орасида сир бой бермай билимдонлик билан иш юритган раҳбар Ш.Рашидов бўлди. Марказнинг сиёсий ва иқтисодий талабларини ошиги билан адо этди. Ишончли шахс сифатида Ш.Рашидовга маълум даражада мустақиллик берилди. Шундан кейин у

¹ Қаранг: Зиёев Х. Занжирбанд ҳукмдорлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 18 сентябр.

Балисоли бир күли билан Марказ талақини, бошқаси билан эса республика тараққиётини таъминлади.

Таассуфки, юртимиздаги ўзгаришларнинг аксарияти, энг аввало, мустамлакачилик ва миллий зулм доирасида бўлди. Пахта яккаҳомимлигининг юқори чўқиilarга кўтарилиши азоб-уқубатни кучайтириди, дехқонларнинг саломатлигига, зеҳнига, умуман ҳаётига птур етказди. Заҳри қотилнинг аёвсиз ишлатилиши оқибатида ҳаво, ер ва сув заҳарланди. Орол денгизининг ҳалокатга учраши тенгсиз фожеа бўлди. Ўзбек пахтасининг асосий қисми сув текинга Россияяга юбориб турилди. "Оқ олтин"дан олинадиган катта фойда Марказнинг чўнтагини тўлдирди. Айрим маълумотларда бу даромад 50 миллиард долларни ташкил этган. Марказга ипак, қоракўл, ноз-неъматлар, олтин, кумуш, мис, вольфрам, уран, газ каби табиий бойликларимиз ҳам узлуксиз жўнатиб турилган. Айрим маълумотларга кўра, олиб кетилган биргина олтинларимизнинг қиймати 20 миллиард долларни ташкил этган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса эса битта - "Социализмнинг Шарқдаги машъали" Ўзбекистон амалда хом-ашё манбаига, яъни Россиянинг мустамлакасига айлантирилди.

Собиқ Совет ҳокимиияти ҳукм сурган 80 йил мобайнида бошқа республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам бир қадар ютуқларга эришилганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. Улардан кўз юмиб бўлмайди.

Совет ҳокимиияти йилларида Ўзбекистон республикаси қиёфаси жиддий равишда ўзгарди, иқтисодиёт ва маданият ривожланиши билан бир оз бўлсада, ижобий натижаларга эришилди. Кишлоқларимизда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлди. Ўзбекистонда ҳалқ морифи, олий ва ўрта маълумот, фан-техника, маданиятнинг бир мунча ўсганлиги, олимларимиз фаннинг кўпгина фундаментал (залворли) соҳаларида мактаб яратганларни тарихий ҳақиқатdir. Бироқ бу ўзгаришлар, эришилган ютуқлар Марказнинг бизга кўрсатган ҳиммати, қизил империянинг муруввати эмас, балки миллий давлатимиз, миллий тилимиз, сиёсий ва инсоний хукуqlаримиз барбод қилинган шароитда, миллий бойликларимиз ҳисобидан, ҳалқимизнинг оғир меҳнати асосидагина амалга ошли.

Ҳар бир нарсанинг ўз ўлчови, меъери бўлганидек, тарихнинг ҳам тарозуси, палласи бор. Унинг бир палласига Ўзбекистонда содир бўлган ижобий, иккинчисига салбий ўзгаришлар солинса, масала янада ойдинлашади.

Шундай қилиб, 50-70 ва 80 йилларнинг біринчи ярмида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиётда таанг аҳволга тушшиб қолди, ўз бошидан тургуллик даврини кечирди. Іш коммунистик партия ва унинг йўлбошкилари томонидан кўлланган маъмурӣ зўрлик га бўйруқбозлик синса ига таянган яккабошчиллик тузумининг натижасидир. Зеро, боши берки ўйинчи чиқишининг ягона йўли иштимоий ва ишлний адолат асоси-

да жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини мутлақо янгина асосда қайта куриш эди.

2-мавзу. Ўзбекистонда миллый тикланишнинг янги босқичи, мустақиллик сари йўл тутиши

2 соат маъруза

РЕЖА:

- Собиқ Иттифоқда жамиятни қайта куришнинг объектив зарурлиги. Миллатлараро муносабатлардаги кескінликлар.
- Мустақиллик учун курашнинг босқимлари. Миллый тикланишнинг бошланиши.
- Ўзбекистоннинг мустақилликка эридишида кенг демократик ҳаракатлар ва кучларнинг ўрни.
- Истиқолул учун кураш тенденциясининг ячайиши.

ХХ асрнинг 80-йилларида 60-70 йиллар яелтириб чиқарган инқизоз туфайли, СССРда жамиятни қайта куришнинг объектив зарурияти юзага келди. Шу йиллар давомиде ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётда ўзига хос хусусиятлар шакланди. Уларга Совет жамиятида юзага келган зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар натижасида (60-йилларнинг охири, 80-йилларнинг бошлари) Иттифоқ ва республика миқёсида кўплаб қонунларнинг қабул қилинишида намоён бўлди. 1977 йилда “Ривожланган социализм” даври қонунларнинг қабул қилинди. Бу даврларда қабул қилинган қонунлар амалда ўз ифодасини топмади.

Мафкура соҳасида ҳам қатор қарама-қаршиликлар юзага келди. Шулардан бир нечтасини кўрсатишимиш мумкин:

- 60-йилларда ҳокимиятга келган раҳбариятга унинг фаолияти учун янги мафкуравий асос зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Брежнев ҳукмронлиги даврида, олдинги йилларда бўлгани каби, коммунизм куришни тарғиб қилиш ўрнига қўлга киритилган ютуқларни тарғиб қилиш афзалроқ бўлиб қолди;
- тарғибот-ташвиқот билан реал ҳаёт ўртасидаги узилиш номутаносиблик, ишончсизликни юзага келтирди;
- социализм қуришнинг янги моделлари (халқ ва халқ демократик давлатлари) онгли равиша бузилиб, у ҳатто рәд этила бошланди;
- аста-секин сталинизмга қайтилиб, қатагонлар тўгрисидаги материалларни ўрганиш таъкиқлана бошланди, Сталинни оқлаш ҳоллари вужудга келди;
- М.А.Суслов раҳбарлигида олиб борилган гоявий ишлар социалистик назария таълимотининг янада бузилишига олиб келди.

Пайдо бўлган бундай нохушликлар социализмга нисбатан танқидий қарава нафратланишни кучайтириб юборди. Айниқса маънавий маданиятнинг ривожланишидаги зиддиятлар янада авж олди.

70-80 йилларда мактаблар ва ўкувчиларнинг сони кўпайиб борган ҳолда, таълим ва тарбия сифати кескин пасайиб кетди. 1990 йили фан, маданият, маориф учун ажратилган маблаг давлат бюджетининг 2,7 % ни ташкил қилган бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 1989 йилда 6,9 % ни (280 миллиард долларни), Оврупа мамлакатларида 5,4%, Африкада 5,4 % ни ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам маънавиятнинг бу соҳасига 2,7 % маблаг сарфланган.¹

Социализмнинг олий мақсади кишиларнинг фаровон ҳаёт кечириши, маданий, маънавий камолотга эришиши дейиларди. Лекин давлат ва ҳукуматнинг фан, маданият, маорифга бўлган муносабати назария билан амалиёт ўртасида катта номутаносибликни келтириб чиқарди.

Ижтимоий соҳада бу йилларда партия ва ҳукуматнинг миллий масалага оид ҳужоқатларида СССРдаги миллат ва эзлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги тан олинган бўлсада, амалда Оврупача маданиятга улкан имтиёзлар берилди. Шаклан миллий, мазмунан "байнамилал" маданиятни ривожлантириш йўлида руслаштириш, рус маданиятини зўрма-зўраки тиқишириш орқали миллий маданият "камол" топди.

Лениннинг социализм давридаги икки тарихий тенденция ҳақидаги гоялари (миллатларнинг яқинлашуви ва кейин кўшилиб кетиши)ни амалга оширишга зўр бериб уриниб кўрилди. "Байнамилал" ва "Миллатлараро муносабат" тилига даъвогар бўлган рус тилининг миллатларнинг "она тили"си бўлишига катта куч сарфланди. Миллатларнинг охир оқибатда кўшилиб кетишига тарихан юз берадиган мұқаррар ҳодиса деб қаралгани ва "назарий" қондага мутаассибларча амал қилингандиги сабабли, сабиқ СССРда умуммиллий манфаатлар биринчи ўринга кўйлиб, миллий манфаатларга эътибор бериш масалалари иккинчи дара жали масала деб қаралди.

Болшевикларнинг мустамлакачилик сиёсати совет тузумининг барча босқинларида анча пухта ва изчил бўлсада, у бир текис кетгани йўқ. Бу сиёсатнинг отаси бўлган Ленин ишни эҳтиёткорлик билан, ишонтириш орқали амалга оширди. Унинг шогирди Сталин хусусий, синфиий ва миллий қиргинга зўр берди. Хрущев Сталин сиёсатини очик танқид қилди, унинг ўзи миллий республикаларни маъмурӣ-худудий бирликка айлантиришга ҳаракат қилиб, Сталин қиммаган ишларга қўл уғди. Брежнев даврида тинимсиз руслаштириш ўтказилди. Горбачев даврида халқимзининг эътиқодини йўқотиб бўлмаслиги ратлан бўлди, миллийлик астасекин юзага чиқа бошлади.

¹ Қаранг'ашлик, 1991 йил, 10сон, 44бет.

1984 йилдан бошлаб соёнк Компартия раҳбарларининг тақлифига биноан, Ўзбекистонга мамлакатнинг турли минтақаларидан КПСС амалдорлари (халқимиз уларга “Чекланган десантчилар” деб ном берганлар) ёғилиб кела бошладилар. Янги десантчилар Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш учун эмас, балки аслида республиканизни оёқ ости қилиш, ўзбек миллатини чўчишиш ва бадном этиш, миллатпарвар кишилар жиловини яна бир бор маҳкамроқ тортиб кўйиш учун юборилган эдилар.

1984-1989 йиллар давомида ҳар хил баҳоналар билан ўн минглаб раҳбарлар ишдан олиб ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати шу қадар тез амалга ошдики, ҳатто бир идорага бир йилда учта янги раҳбар ўтирган эди.¹ Бу кадр танлашдаги янги йўл эмас, балки уларни таҳқирлаш, ерлик халқнинг миллий гурури ва қадриятларини паймол қилиш сиёсати зди. Россиялик партаппаратчиларнинг бу томонларга келишига атаб “ёғли” жойларни олдиндан тайёрлаб кўйишга маҳсус юборилган терговчилар (Гдлян ва Иванов бошчилигидан) маҳаллий раҳбарларни порахўрлик ва қўшиб ёзиш каби тутуруқсиз айблар баҳонасида қамадилар.

Гдлянчилар ҳеч нарсадан тап тортмай иш олиб борганлар, қонунга бўйсунмаганилар, аксинча қонун уларга бўйсундирилган. Руҳий таъсир ўтикаш мақсадида маҳбуслар узоқ муддат ва ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда сақланган, ҳатто ойлаб сўроқ қилинмаган. Баъзиларни ўлим жазоси берамиз, деб қўрқитиб, зўравонлик билан тергов қилинаётган бошқа юртдошларига қалбаки гувоҳлик беришга кўндирганлар.²

“Адолат ҳимоячилари” ўз фаолиятларини ўзбек миллатига қарши жамоатчилик фикрини уйготиш мақсадида олиб бордилар. Совет ва жаҳон матбуотида “ўзбек мафияси”, “ўзбеклар иши” деган ҳақоратомуз атамалар пайдо бўлди. Бундай тухматлар халқимизнинг нафсониятига, қадр-қимматига тегмасдан иложи йўқ эди.

Миллий сиёсатнинг адолатли усуулари унутилганлиги учун Ўзбекистон шу йилларда паҳта мустақиллиги учун курашнинг қурбони бўлди. Марказ Республикализни хом ашё базасига айлантириш шиорини илгари сурди. Паҳта яккаҳокимлиги вужудга келди. Натижада республиканизмнинг асосан паҳтачиликка ихтисослаштирилиши гўшт, сут, сабзавот, мева етишириш имкониятларини камайтирди. Кўплаб сув омборларининг бунёд этилиши, сугориш тизимининг бузилиши Орол денгизининг куришига олиб келди. Хуллас, мана шундай кўплаб йўқотишлар халқимизда, айниқса зиёлиларимиз орасида норозиликлар тугилишига сабаб бўлди, мустамлакачилар томонидан яширишга ёки оқлашга уринилган кўплаб салбий ҳодиса, вазиятлар ёзувчи ва журналистларимизнинг

¹ Қаранг: Юсупов Э. Истиқлол шабадлари. Тошкент, Фан, 1993, 49-бет.

² Илюхин В. Қабодат ёҳуд... “ўзбеклар иши” деган уйдирма хусусида. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 43-бет.

мақомларида ўз аксини топа бошлади. Мазкур мақолалардаги асосий гоя республика фуқароларининг демократия ва ошкоралик шароитида ўзлигини англаган ҳолда ўз ҳадриятини билишга, тарихий ҳақиқатни тиклашга, ҳақиқий сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш учун курашга қаратилган эди.

Миллий уйғонишнинг маҳсули сифатида юзага келиб, ўз фаолиятини ҳалқил негизда ташкил этишга интилаётган бир қатор демократик партия ва ҳаракатларнинг ҳам роли ва ўрни алоҳида кўзга ташланди. Ўзининг ҳаракат дастурига долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни асос қилиб олган “Бирлик”, “Тўмарис”, “Туркистон” каби ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаолиятининг худди мана шу йўналишда давом этганилиги фикримизнинг далилидир. Бу жамоат ташкилотлари ўз кураш шакллари, усуллари, услублари ва воситаларининг ҳар ҳиллиги билан фарқ қиласаларда, бироқ улар умумий ҳаракат йўналишида муштарақлик жиҳатлари билан уйғулек касб этгандилар.

Миллий тикланишнинг янги босқичида И.А.Каримовнинг республика раҳбарлигига кўтарилиши мухим воқеа бўлди. 1989 йил Узбекистон Компартиясининг биринчи секретари сифатида марказнинг ҳийланайрангларини тўгри тушуниб, адолатни тиклаш, ноҳақ тұхматга учраганларни оқлаш ва пок номларини тиклаш йўлида катта ишларни амалга ошириди.

Ўзбекистондаги юқорида номлари таъкидланган кенг жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларининг Иттифоқ ва Компартия мустамлакачи кучлари билан олиб борган курашлари, 1989 йил октябринда ўзбек тилига давлат тили мақомини берган “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, айни вақтда, шу қонунда кўрсатилганидек, миллатлараро мулоқот воситаси сифатида рус тилидан эркин фойдаланишнинг сақлаб қолиниши, ўзбек ҳалқида миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши, республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши, пировард оқибатда республикада тинч йўл билан мустақилликка эришишда жуда мухим ва катта аҳамият касб этди.

Республиканинг келажак учун қўйилган яна бир тарихий мухим қадамларидан бири - собиқ иттифоқ доирасида биринчи бўлиб (12-чақириқ Олий Советнинг биринчи сессияси) Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидағи қарорнинг қабул қилинишидир.

Ўзбекистонда Президентлик ижро усулининг таъсис этилганлиги қонунлар ва давлатниң бошқа ҳужоатларини ижро этиш воситасини мустаҳкамлашга қаратилди ва Конституцияда қўйидагича белгиланди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлигидир”.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 29-бет.

Президентлик бошқарувининг асосий тамойили - ўзи бошқараётган давлатнинг дунё давлатлари орасида тенг ҳуқуқлилигини, республика суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат бериш, Республика Конституцияси ва қонумларига қатъий риоя этишдан иборатdir.

Ҳалқимиз ўз тарихида илк бор 1991 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашга мусассар бўлди.

Ўзбекистонда қандай ижтимоий-иктисодий омиллар Президентлик бошқарувини тақозо этган эди? Бунга зинг аввало, 1991 йилнинг бошларидан собиқ совет иттифоқида умумдавлат инқизорозининг сезиларли даражада кучайиши, аввалроқ, 1990 йил марта Литванинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, Латвия билан Эстониянинг СССР таркибидан чиқишига очикдан-очик ҳаракат ва тайёргарлиглари федератив кўшма давлатнинг емирилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу вақтга келиб 12-беш-йиллик асосида ривожланаётган республикаларнинг Бирортасида ҳам ижтимоий-иктисодий соҳада ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлгани йўқ.

Ўзбекистон халқи ошкоралик ва демократлаштириш шағютида ўзининг миллий ва маънавий қадриятларини тиклашдан, иктиносидий ва сиёсий жиҳатдан иттифоқ тузиласига қарамлийдан қутулиш ҳуқуқларини амалга оширишдан тобора кўпроқ манфаатдор эканлигини наимойиш қилди. Айниқса СССРда ҳали мавжуд бўлган марказ ҳамон кучли бўлган, ҳар қандай қадамга, ҳатто қуролли тажовузларга ҳам қодир бўлган бир шароитда суверенитет тўғрисидаги Декларациянинг қабул қилиниши тарихий ва сиёсий воқеа бўлди. Декларация республикада миллий давлат қуриш учун сиёсий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Кўп ўтмай яна Конституция комиссияси тузилди. 1991 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг аста-секин бозор иктиносидиётига ўтиш мезонлари ва босқичлари белгилаб берилди.

Шулар билан бирга, Ўзбекистонда маҳаллий ва ўз-ўзини бошқариши жорий қилиш юзасидан 1991 йил август ойига қадар чоратадбирлар амалга оширилди, ҳокимлар лавозимлари, иктиносидёт ва ижтимоий соҳани бошқариш органлари, солиқ инспекциялари ва бошқалар таъсис этилди.

80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошида собиқ иттифоқ таркибида бўлган республикаларнинг кўпчилиги СССР тизимидан чиқиш масаласини ҳам кўтардилар. Болтиқ бўйи республикаларидаги сиёсий ўзгаришлар, Ўзбекистонда ундан кейин бошқа республикаларда Президентлик бошқарувининг татаъсис этилиши ҳамда бу республикаларда суверенитет тўғрисидаги Декларациялар ва Баёнотномаларнинг қабул қилинишига марказнинг салбий муносабатлари, ноҳақ, кескин қаршилик кўрсатганлиги қизил империянинг таназзулга юз тутиш жараёнини янада тезлаштирди. 1990 йилнинг охирига келганда Латвия, Литва, Эстония

кейинроқ Грузия, Озарбайжон СССР таркибидан чиқиб кетди. СССРнинг яхлитлигига анча путур етди.

1990 йил январида Озарбайжонда Марказнинг кучга таянадиган тузилмалари қонли қирғин уоштирди, Озарбайжон тогли автоном вилояти хусусидаги жаңжаллар туфайли 1991 йил Арманистон билан урушга кирди. Днепр бўйи давлатлари русийзабон аҳоли билан мусулмон гагаузлар ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланиб кетди.

1991 йил мартаида Киевда, 1991 йил апрелида Москва яқинидаги Нова-Огарёвада СССР Президенти ва 9 та республика раҳбарлари билан эришилган битимга мувофиқ, "Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва инқизорни енгиллаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўгрисидаги қўшма баёнот" имзоланди. Бу баёнот "9-1" (9 республика - 1 Марказ) деган номни олди. Бироқ бу баёнот ҳам ўша пайтдаги кўпгина ҳужокатлар сингари қоғозда қолиб кетди.

1991 йил июн ойидагина бир қанча баҳсли, принципиал масалалар юзасидан 9-1 музокаралари доирасида келишилган битимга эришилди ва "Суверен Давлатлар Иттифоқи тўгрисида"ти шартномани тушиш жараёни тугалланиш босқичига кирди. Лекин Марказда давлат тўнтириши қилишга уриниш бу муаммони ечишга йўл қўймади.

КПСС Марказий Кўмитаси ва Иттифоқ идоралари - мудофаа, ИИВ, ДХҚ ва бошқаларнинг бир қанча раҳбарлари томонидан фавқулодда ҳолат Давлат Кўмитаси (ГКЧП) тузишга уриниши муносабати билан 1991 йил 19-21 август кунлари Москвада фожеали воқеалар юз берди. Россия Федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан демократик позициядаги Москваликлар томонидан фавқулодда исённи бостириши СССРнинг кейинги тақдирида туб ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Кенг жамоатчиликнинг миллий мустақил давлат тушиш тараффорлари Ф.Ҳ.Д.Қ.нинг улуг давлатчилик, мустамлакачилик, шовинистик мақсадларини қораладилар. Қарам халқларнинг ўз эркинликлари учун кетаётган қайта куриш ва демократлаштириш натижасида миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашларни Ф.Ҳ.Д.Қ. томонидан қораланиши Ўзбекистондаги миллий уйғониш жараёнини кучайтирди. Оқибатда у суверен, мустақил Ўзбекистон республикаси барпо бўлишига сезиларли туртки бўлди.

З-мавзу. Давлат мустақиллиги ва унинг тарихий аҳамияти

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. ССР Иттифоқи парчаланишининг объектив ва субъектив сабаблари. Ўзбекистонда сиёсий мустақил давлат куриш ва иқтисодий мустақилликнинг амалий вазифага айланиси. Мустақилликнинг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

2. Ўзбекистонда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг парламент йўли билан амалга оширилиши.

1. 80-йиларнинг иккинчи ярмидан сабиқ совет итифоқи, жумладан, Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришлар, жамиятни демократиялаш ва ошкораликни қарор топтиришга уриниш, баъзан эса шошма-шошарлик билан ўтказилган ислоҳотлар кутилган натижани бермади. Шу даврда "жадаллаштириш", "қайта-қуриш", "янгиланиш", "янгигиланган Иттифоқ шартномаси", "1990 йилларда мустақил давлатлар ҳамкорлиги" деган сиёсий тушунчалар пайдо бўлди.

Қайта куриш олга сурган улкан ижтимоий-иқтисодий тадбирлар меҳнатда эркинлик, ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик бўлмаган, хўжаликка раҳбарликнинг эскича усули - маъмурӣ-буйруқбозлик ҳукм сурган шароитда ҳал қилиниши, бунинг устига яратилган моддий бойликларни эскича ноиқтисодий йўллар билан тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг давом этиши қайта куришнинг демократик тамойиллари га зид келиб қолди. Бу қарама-қаршилик айниқса ҳеч қандай қонун билан чекланмаган маъмурӣ-буйруқбозлик тартиби билан янада чукурлашди, якка партия ҳукмронлигига асосланган "қайта куриш" олти йил давомида илмий асосланган дастурсиз олиб борилди.

1981-1991 йилларда жаҳонни ларзага солиб турган тоталитар давлат тобора ҳалокатга яқинлашиб бормоқда эди. Бунда авваламбор тузумнинг гайритабии равиша ичдан чириши бутун мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам демократик гояларнинг тобора кучайишига замин яратди. Бир-бирига қарама-қарши икки оқим шаклланиб, бири қандай бўлмасин империяни саклаш, иккинчиси эса уни ағдариш маҳсади билан ҳаракатга тушди. Айни пайтда марказ билан республикалар ўртасидаги "Совуқ уруш" ҳам кескинлашди. Айнан шу сабабларнинг оқибати сифатида Москвада юзага келган (уюштирилган) давлат тўнтарилишини тасодифий воқеа деб бўлмайди. У мувофиқлашган сиёsat келтириб чиқарган табиий натижадир. Ўзларини ҳалқ манфаати учун жон куйдираётган фидойилар қилиб кўрсатишга уринган Янаев бошчилигидаги фитначи-ларнинг саъй-ҳаракатлари ҳокимият учун куращдан бошқа нарса эмаслиги ҳаммамизга мавъум. Улар маъмурӣ кўпорувчилик ва ноқонуний йўл билан ҳокимиятни тортиб олиб, сабиқ иттифоқни ўтмишига қайтармоқчи бўлдилар. Бу ҳол "пастда"ги инқилобий тараққийпарвар кучларнинг янада фаолроқ ҳаракат қилишига олиб келди. Натижада бутун мамлакатда ҳалқ демократик ва миллий демократик инқилоблар бошланиб кетди. Бу инқилобий жараён ҳозирги замон цивилизацияси тақозо этувчи мустақил республикаларнинг пайдо бўлиши билан интиҳо топди.

Миллий-демократик ҳаракатлар эса иттифоқдаги барча республикалар ҳалқлари ўз сиёсий тақдирини ўзи белгилаш, мустамлакани импе-

риянинг емирилишини охирига етказадиган ишлар билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни кўтариб чиқдилар:

- Республикаларни мустақил давлат сифатида тан олиш ва унинг ички ишларига аралашмаслик;
- Республикаларро давлат муносабатларини ҳозирги замон цивилизацияси тартиб қондалари - ихтиёрийлик, тинчлик, мустақиллик, манфаатдорлик заминида ишлаб чиқиш;
- барча Республикаларни халқаро муносабатлар субъекти ҳукуклари билан таъминлаш;
- ҳеч қандай гурӯҳ, партия ёки давлат манбаатлари инсон манбаатларидан устун қўйилмайдиган, инсонларварлик, демократик, юқтимой адолатнинг умумий қондаларига амал қилиш;
- барча республикаларгина янгидан тузилашкак Иттифоқ шартномасида қатнашиш шаклларини ўзи мустақил белгилаш ҳукукларини яратиш.

Мана шу ва таъқидлаб ўтилган бошқа обьектив ва субъектив омилларни ўзига асос қилиб олган миллый-демократик ҳароматлар СССР деб аталмиш қизил империянинг илдишларини кўпориб ташлади.¹

1991 йил 8 декабрда ташкия этилган славян давлатлари ҳамдустлиги (авгат уч давлат - Россия, Украина, Балоруссия), кейиннилк Мустақил давлатлар Ҳамдустлигининг таркиби топниши буюк миллатчилик заминида курилган шаклан федератив, мазмунан марказлашган унитар ҳокимиётнинг ўзил-каслыл ағдарулишини таъминлади.

Шу замонда ҳар бир республика ўзи мустақиллигини тикилаши учун зарур шарт-шароит тобора этилиб борди. Айни пойтда Ўзбекистонда ҳам мустақилларни қурбонсиз ва талоғотларсиз тикилашга доир чоралар кўрилди. (Ҳар қандай тартибсизлик, ҷалқашлик империя тарафдорларига кўй келган бўларди). Марказ билан вақтималлик "умумий тил" топнишиш ана шу мураккаб вазиятдан омон ўтиш тадбирларидан бири эди, ҳолос.

2. Мажлумки, ҳуқукий адабиётларда таъқидланганда, мустақиллик принципи миллый давлатнинг қатъий ва ажralmas хусусияти ҳисобланади.

Давлат тушуннасининг ўзи мустақилликни билдиради. Бинобарин, мустақиллик - бу тарихий категория, усткурма белгиси ҳисобланади, давлатнинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келади ва давлатнинг ўлиши билан тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Конгасининг 1990 йил 20 июнида бўлган иккенин сессиясида қабул қилинган декларацияда шундай дейнлади: "Ўзбекистон Республикаси Демократик давлат Мустақиллиги рес-

¹ Пўлатов Ҳ. Миллый уйғониш давлати // Мулоқот, 1991 йил, 11-сон, 14-бет.

публикациинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташки муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир".

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Конғаш Баёнотида давлат мустақиллиги ва сувёрен давлат ташкил этилганлиги тантанали равишда баён этилди ва мустақиллик :

- ўтмишдан сабоқ чиқариб ва собиқ ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб;
- халқаро-хукуқий хужоатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқига асосланиб;

- Ўзбекистон халқларининг тақдирни учун бутун мальсулиятини англаб;

- шахснинг ҳуқуқ ва эрканиклилари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб;

- миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мависублигидан қатъий на зар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт ке чиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳукуқий давлат барпо этишга интилиб;

- мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, тантанали равишда эълон қилинди. 1991 йил 29 декабрда Мустақиллик ҳақида халқ фикрини билиш учун умумхалқ сўрови - референдум ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги тақдирни масаласи билан боғлиқ бу референдум ҳеч қандай тазииксиз, чекловсиз ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Унда 9 миллион 718 минг 155 киши ёки овоз беришга қатнашган фуқароларнинг 98,2 фоизи мустақилликни ёклаб чиқдилар.

Хуллас, Декларация, гарчанд ўша вақт шароитининг тақозосига кўра шахсан иттифоқ доирасида, мазмунан мустақил бўлишни исфода этган бўлсада, лекин у озодлик сари ташланган катта қадам бўлди. У кела жакда Ўзбекистон мустақиллигини узил-кеシリ тиклаш учун зарур шарт-шаройтни бунёд этди.

Ўзбекистон Республикасида янги тарихий давр бошланди. Эндиликда ҳудудимиздаги ер усти ва ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, маънавий бойликлар мустақил Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ва мулки бўлиб қолди. Бу иқтисодиётдаги энг муҳим туб ўзгаришлардан биринчиси ҳисобланди. Иккинчи йирик ўзгаришларга иқтисодиётнинг мафкурадан батамом холи қилинишида ўз аксини топди. Учинчи туб ўзгариш мулкчиликнинг янги щаклларини вужудга келтириш, саноат, савдо, майший хизмат корхоналари ва уй-жойларни хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқаришни ўзида намоён этди.

Ўзбекистон фуқаролари ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида ўзлари етиштирган маҳсулотларнинг нарх-наволарини эркин белгилашлари, чет

давлатлар билан зеркін молиявий ва иқтисодий алоқа қилиш ҳукуқыга зға бўлдилар.

Шундай қилиб, ўзбек халқи ниҳоят ўз тақдирини ўзи белгилашга астойдил киришиди. Ҳалқимиз ўз-ўзини миллий англаш, уйғониш, инсон-парварлик ва демократик қадриятлар тикланиб бораётган пайтда, ҳар қандай долзарб муаммоларни ҳал қилишга қодир эканлигини намойиш қилди. Республика учун ўз қуролли кучларига зға бўлиш ҳаётий заруратга айланди.

1991 йил 28-31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги" тўғрисидаги масалани кўриб чиқди, 31 августда Олий Кенгаш ушбу масала бўйича Президент И.А.Каримовнинг маъруzasини тинглаб, тарихий қонун, баёнот ва қарор қабул қилди. Олий Кенгашда халқ демократияси кучлари билан миллий-демократик кучлар мустақиллик ҳақидаги гояда ҳамжиҳат ва ҳамфирк бўлдилар. Истиқлол уларнинг ўзбек халқининг, қолаверса, республикада яшовчи илгор демократик гурӯхларнинг истиқболи учун узоқ вақт олиб борилган курашига якун ясади ва парламент йўли билан мустақиллик қонунлаштирилди. Республика аҳолисининг барча табакалари ваколатига зға бўлган сессия иштирокчилари - халқ вакиллари "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари" тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

Бугунги кунда мустақил демократик жамият қурад эканмиз, биз истиқлонимизнинг қадрига, моҳиятига тушуниб, уни қадрлашимиз, тарихий аҳамиятини тўғри баҳолай олишимиз керак.

31 август инқиlobининг муҳим хусусиятларига қуйидагиларни кириши мумкин: Мустақилликнинг эълон қилиниши дабдабали намойишлар ва тўс-тўполонлар билан эмас, ҳалқнинг хоҳиши-иродаси ва эзгу мақсадлари маҳсули сифатида, Президент ташаббуси ва амалий чоралари туфайли, амалга оширилди. Истиқлонни кўлга киритиш, Марказий Осиё Республикаларида бириńчи бўлиб ташаббускор бўлганлиқдаги, Ўзбекистон ибрати кўп республикаларнинг бош кўтаришига ва мустақиллигини тиклашига даъват этган муҳим тарихий воқеадир.

1 Ўзбекистон республикаси мустақил давлатининг бунёд бўлиши. Тошкент, Ўзбекистон, 1992 , 10-12 беғлар.

**4-мавзу. Суверен демократик республика - Ўзбекистоннинг
маъмурий-худудий тузилиши ва бой имканиятлари**

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Ўзбекистон республикасининг худуди, чегаралари, маъмурий-худудий тузилиши.
2. Республика аҳолиси, унинг миллий таркиби ва давлат рамзлари.
3. Ўзбекистон - бой тарихий ресурслар мамлакати.

1. Мустақил Ўзбекистоннинг худуди - 447,4 минг кв.км. бўлиб, у Буюк Британия, Белгия, Дания, Швейцария ва Австрия мамлакатлари худудларининг йигиндисидан каттадир. Республика миз Марказий Осиёда, асосан, Амударё билан Сирдарё оралигида жойлашган бўлиб, шимоли-гарбда Турон пасттекислиги, жануби-шарқда Тян-Шон ва Олой тог тизмалари, жануби-гарбда Қизилкум чўлларининг бир қисмини эгаллади.

1991 йил 20 нояброда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига доир масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”¹ ги Конунга мувофиқ Қорақалпогистон Республикасидач ташқари, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарчалар ҳам Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий қисмлари ҳисобланади.

Ўзбекистон билан Қорақалпогистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, улар ўртасидаги тузилган икки томонлама шартнома, битимлар асосида қурилади. Ўзбекистон Республикаси Қорақалпогистоннинг худудий яхлитлигини тан олган ҳолда, унинг қонунлари Қорақалпогистон Республикаси худудида ҳам мажбурийдир. Қорақалпогистон Республикаси ўз Конституциясига, давлат ҳокимиятига ва давлат бошқарув органларига, худудига, истаган вактида ўз халқининг умумий референдуми асосида Ўзбекистондан ажralиб чиқиш ҳуқуқига эга. Улар ўртасидаги низолар, муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.¹

Ўзбекистон таркибига Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Намangan, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразмдан иборат 12 та вилоят ва бўйсунувчи Тошкент шаҳри киради.

Зарур ҳолларда вилоятларни ташкил қилиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тақлифи, тегишли ҳалқ ноиблари вилоят кенгашларининг илтимоснома-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 40-41 бетлар.

лари асосида амалга оширилади. Юқоридаги масалалар бўйича вилоятларда референдумлар ўтказиш мумкин.

Республикада туманларни, шаҳарлардаги туманларни ташкил қилиш, тугатиш ҳам Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг таклифи, йириклаштирилган ёки тугатилаётгандарни халқ депутатлари туман кенгашлари, шаҳардаги туман кенгашлари, тегишли халқ ноиблари вилоят кенгашлари, Тошкент шаҳар кенгашининг илтимосларига биноан амалга оширилади. Қорақалпогистон Республикасида бу ишлар Қорақалпогистон Республикасининг олий ҳокимият органи зиммасидадир.

Қорақалпогистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, ҳокимлари томонидан қишлоқларни, овулларни ташкил этиш ва тугатиш, ўзини-ўзи бошқарувчи тегишли овулларнинг халқ депутатлари ва туман халқ депутатлари кенгашларининг илтимослари асосида бажарилади.¹

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 129 миллат ва элатлар истиқомат қилади, аҳолиси 23 млн.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миллий таркиби
(фоиз ҳисобида)².

Мил- ллатлар	Ўзбек -лар	Рус- лар	Тоҷик- лар	Қозоқ- лар	Татар- лар	Қора- қалпок- лар	Бошқа миллат вакил- лари
Миқдори %	71,4	8,3	4,7	4,1	2,4	2,1	7

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат рамзлари - Байроби, Герби (тамғаси), мадҳияси ва миллий валютасига эга.

Ўзбекистон Республикасининг миллий байроби 1991 йилнинг 18 нояброда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроби тўгрисида"ги Қонунга биноан қабул қилинган.

Байробимиздаги ҳаво ранг - зангори осмон ва сувнинг, шунингдек, ернинг ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзидир. Бу ранг Амир Темур давлатининг байробига ҳам акс этган. Оқ ранг - тиңчлик, поклик тимсоли давлатимизнинг ривожланиш йўли мусаффо ва келажаги буюк бўлиши учун яхши ният рамзи, қизил йўллар - ҳар бир тирик жоннинг қон томирида уриб турган ҳаётий куч рамзи, яшил ранг - табиатимиз тимсоли, гуркираб ривожланаётган ҳаёт ва ҳосилдорликни билдиради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 40-41 бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлниши. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 13-бет.

Ватан рамзи ҳисобланган байробгимиздаги ярим ой - Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналярига мувофиқ келиб, ярим ой ва юлдузлар - мусаффо осмон, тинчлик рамзиидир. Ўн икки юлдуз - йилнинг ўн икки ойини (бурж) билдириб, ҳаётнинг давомийлиги, мустақиллигимизнинг абадийлигини истифода этади.

Ўзбекистон давлатининг иккинчи миллий рамзи Герби бўлиб бўлиб, у 1992 йилнинг 2 июнида "Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида"ги Қонунга биноан қабул қилинган. Унинг марказида қанотларини кенг ёзиб турган Ҳумо қуши тасвиirlанган. Ҳумо қуши қадимдан ўзбек халқида одамларни баҳт-саодатга етакловчи рамз сифатида хурмат қилинган.

Гербнинг юқори қисмида событик ва барқарорлик рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз, унинг ичидаги эса ярим ой ва беш қиррали юлдуз тасвиirlанган. Ундаги қуёш тасвири - Ватанимиз йўлининг нурли бўлишини кўрсатиб турса, бошоқлар ризқ-рўзимиз тимсоли ва оппоқ бўлиб очилган пахта чаноқлари тасвиirlанган гўза шохлари давлатимизнинг асосий бойлиги рамзиидир. Бугдой бошоқлари ва пахта чаноқлари Ватанимиз байробига ўхшаган лента билан ўраб қўйилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда яшаётган халқлар яқдиллигининг ифодаси ҳи-собланади.

Мустақиллик рамzlаридан бири ҳисобланган Давлат Мадҳиясининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилиниши Ватанимиз халқлари тарихида катта ўрин эгаллайди. Мадҳиянинг матни шоир Абдулла Орипов, мусиқаси композитор Мутал Бурхонов қаламига мансуб.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида (1992 йил 10 декабр) қабул қилинган.

Серкуёш, ҳур ўлкам, элга баҳт, најжот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шұхратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақарот:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Ажоддилар мардона руҳи сенга ёр!
Улуг ҳалқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиё айлаган Диёр!

Багри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар она юрт, мангуд бўл обод!

Назарот:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона рухи сенга ёр!
Улуг халқ қудрати жұш урган замон,
Оlamни маҳлиә айлаган Диөр!

Республикамиз 1994 йилнинг 1 июлида миллий валюта - сүмни жорий этди.

Ватанимиз рамзлари Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирган. Уларни зъозозлаш - қадр-қимматни, мамлакатга ва шахсга бўлган ишончни мустаҳкамлаш дамактир.

Ўзбекистонда географик ва табиий шароиттинг кулаилиги истиқоллини зарур бўлган табиий бойликлар, ҳосилдор ерлар, меҳнат ресурслари, қудратли иқтиодий, илмий-техникавий ва маънавий имкониятлар билан таъминланади. Марказий Осиёда барча меҳнат ресурсларининг 40% га яқини мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади.¹

Республикамиз ривожлайсан кўп тармоқли қишлоқ ҳўжалигига зга бўлиб, у асосан сугориладиган дејончилик билан шуғулланишга ихтинослашган.

Ўзбекистон ишмалтбадо жом ашё, жаҳондаги энг йирик пахта етиширадиган ўлкалардан бирни қисобланади. Агар бутун Марказий Осиёда 2 миллион тоннага яқин пахта толаси етишириладиган бўлса, шундан 1,5 миллион тоннага яхри пахта толаси республикамиз ҳиссасига тўғри келади. Ватанимиз пахта етиширувчи давлатлар ичидаги жаҳонда тўртингчи ўринни ва пахта маҳсулотларини экспорт қиласидиган мамлакатлар ичидаги иккинчи ўринни эгаллаши ҳам Ўзбекистонни бой имкониятлар мамлакати эканлигиден далолат беради.

Ҳар йили ўлка из давлатлари, полиз ва боғларида 5 миллион тоннага яқин мева ва сабзавотлар етиширилади. Шойи, жун, қоракўл тери маҳсулотларидан тайёрланган буюмлар республикамиздан анча узокда бўлган хориқий давлатларда ҳам харицдоргир ҳисобланади.

Кўп авлодларимизнинг оғир меҳнати туфайли, республикада ирригация иншоатларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган. Мамлакатимиз 20 та йирик сув симборини, 160 минг км.га чўзилган сугориш тармоқларини, ўнлаб насос станцияларини ҳамда бошқа замонавий мураккаб техника билан жодозланган йирик иншоатларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда республикамизда 700 та кон тадқиқ этилган бўлиб, уларда 95 та ҳар жил минерал ҳом ашёлар мавжудлиги аниқланган²,

¹ Ўзбекистон: мустақилликнинг 5 йили. Тошкент, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1996, 5-бет.

² Ўзбекистон: мустақилликнинг 5 йили. Тошкент, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1996, 21-бет.

фойдаланилаётган 370 та конлардан жар йили 20 жилинсон тоннагача хом ашё қазиб олимокда.¹ Кон зекордаджининг қаймати 8 трилион АҚШ долларига тенгdir. Одеге, күмеш, уран, мис, молибден, кўргошин, рух, вольфрам ва бошқа физикага подир металлар заҳираси бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўрталардан бириниң егаллайди.² Ватанимиз олтин ишлаб чиқаришнинг умумий яхими бўйича жадонда саккизинчи ўринда туради.³

Ўзбекистон кудратли, ривожланган энергетика, йирға индустрия манбаларига, ривожланган ички ва ташки транспортга, тарафкӣ этган алоқа тизимига, сайдехлик тармогини ривожлантириш учун кулай имкониятларга, кудратли илмий ва маънавий имкониятларга эта.

Бу каби катта табиий бойликлар, кудратли саноат шинбай, илмий ва интеллектуал имкониятлар, давлат суверенитети билан Ўзбекистонни ривожланган, гуллаб-ашнабтган давлатга айлантириди мунсан. Юртимиздаги иқтисодий, юстицийий, маънавий, кукукуй сминалар ва имкониятлар Ватанимизнинг жадон бозоридаги муносаб ўрин аталаш имконини беради.

5-мавзу. Хукукий давлат барне етиши ва унинг янги жамият қуришдаги еҳамияти

2 соат маъруза

РЕЖА

1. Хукукий давлат тушунчаси, уни барто етиш Йўллари.
2. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятиның тузилиши ва унинг янги жамият қуришдаги роли.

1. Биринчи масалани ёритишда энг аввал хукукий давлат тушунчаси ва унинг асосий белгиларини аниклаб оламиз. Конституцияда таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунлар сўзсиз тан олинади”⁴. Хукукий давлатнинг курси ҳам, ҳимояси ҳам, сўзи ҳам қонундир. Қонуни бузишга доғ юзининг жаҳқи йўқ. Чунки қонун халқнинг хоҳаш иродасидир. Уни⁵ бузадиган, мансимайдиган одам халқнинг юзига сөёқ қўядиган кишидир.

¹ Ўзбекистон - мустақиллик одимлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 21-бет.

² Ўзбекистон: мустақилликнинг 5 йили. Тошкент, “Шарқ” нашириёт-матбаа концерни, 1996, 21-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 11-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатни бунёд бўлиши. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 66-бет.

Ўзбекистон Республикаси - ҳуқуқий давлат сифатида ҳар қандай синф, партия, гурӯҳлар ҳукмронлигига йўл қўйилмайдиган, конституция доирасида сиёсий партияларга муҳолифлик эркинлигини таъминлайдиган, фуқаролар ҳуқуқини ҳалқаро мөъёлар даражасида сақлайдиган, давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини фуқароларнинг давлат олдидаги масъулиятидан кам қўймайдиган сиёсий ташкилотdir. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунга мувофиқ иш кўрадилар. Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Шунингдек, бирорта қонун ёки мөъерий-ҳуқуқий ҳуюкат Конституция қоида зид келиши мумкин эмас.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёни, ги бешта муҳим тамойилнинг¹ моҳияти ҳам мамлакатимиздаги қонун устиворлигини таъминлаш, қонунга итоаткорликни шакллантиришдан иборатdir. Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак.² Бу тамойилни И.А.Каримов шундай ифодалайди: "Бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар саналган, амалий кучга эга бўлган қонунга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши, муқаррар бўлиши мумкин."

Ўзбекистонда ўтиш даврида қандай давлат шаклланади? Мамлакатимизда Суворен демократик республика барпо этилди. Бу йўлдаги мақсад аниқ - бозор иқтисодиёти тамойилига асосланган, эркин, очик, демократик давлат куришdir.

Ҳар бир давлат - бетакор ижтимоий ҳодиса, муайян ҳалқ тарихий, маънавий тараққиётининг натижасидир, унинг ўзига хос маданий ривожланишининг ҳосиласидир.

Ҳозир барпо этилаётган давлатимиз ҳалқимиз ҳаётига ташқаридан зўравонлик йўли билан киритилган совет социалистик давлатнинг бутунлай акси, янги қурилаётган давлатdir. Эски совет давлатининг шакли ва моҳияти маҳаллий ҳалқимизнинг ахлоқий, маънавий ҳамда руҳий қадриятларига тўгри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди. Табиий савол тугилади: бундай давлат энг аввало кимга суюнар эди?

Бундай тизим ўз ҳалқининг тарихини, унинг руҳини ва урғодатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манкуртларга таянарди. Эски совет тузуми шиорларида ваъда қилинган ғоялар амалий иш-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси... 11-бет.

² Каримов И.А. Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 5-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 11-бет.

лардан жуда узоқлигининг сабаби ҳам шунда эди. Шу тифайли ҳам ўша давлатнинг ижтимоий тизими билан ҳалқ эктиёклари ўртасида чуқур жарлик юзага келди. Яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бундай тузумда орқа ўринда турарди. Шунинг учун ҳам бундай давлатнинг истиқболи аввалбошданоқ йўқ эди. Собиқ иттифоқнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида рўй берадиган кескин иқтисодий, этник можаролар бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикасини барпо этишда шундай тарихий имконият пайдо бўлдик, ҳалқимиз босиб ўтган йўлни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимизнинг негизини зниклаб, буюқ маданиятимиз ва қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъана-ларни янги жамият қуришга татбиқ этиш зарур бўлиб қолди.

Республика Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг йўллари, унинг босқичларини аниқлаб берди. Шулардан энг муҳимларига тўхталиб ўтамиз. Биринчидан, жамиятда сиёсий, миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонунлар қабул қилиниши керак. Иккинчидан, барча бўғиндаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозим. Учинчидан, давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарур. Тўртинчидан, ҳуқуқ органлари қонуний негизини мустаҳкамлашнинг зарурлиги. Бешинчидан, яқин келажакда фукароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида энтибор бериш. Олтинчидан, бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётини бошқаришдаги роли кескин ўзгарди. Иқтисодни бошқаришининг асосий усули давлат органларининг бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча, қонун бўлиб колади.¹

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш даврида жамиятни, кишилар муносабатларини бошқариш буйруқбозлик, зўравонлик, тўрачилик асосида эмас, балки қонун асосида, ҳуқуқий кафолатланган кўринишда амалга оширилиши шарт. Бу максадга эришиш учун жамият аъзолари сиёсий онгининг, маданиятининг даражаси, етуклиги ривожланган бўлиши лозим. Бюрократизм, виқдонсизлик, порахўрлик каби иллатларнинг юз беришига қонун асосида барҳам бериш талаб қилинади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий давлатни барпо этишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Ҳокимият тизимининг ҳуқуқий кафолати Конституцияда белгиланади. Конституцияни қабул қилишда объект:в ва субъектис, йинки ва ташки омиллар биринчи ўринда туради. Улар энг аввало нималарда намоён бўлади? Улар инсон ҳуқуқларига ва давлат суворенитети тамо-

1 Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқбонийнинг асосий таъмйиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 16-20 бетлар.

йилларига содиқлиқда, ҳозирги ва келажак олдидағы юксак масъудиятни англашылқда, ўзбек давлатының ривожининг тарихий тажрибасига таянишиликда, демократия ве әдітимоий адолатта садақатни намоён қилишиликда, халқаро ҳукуматын умум әтироф этилган қоидалари устунлигини тан олышында, Республика фуқароларининг келажакда муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилишликда, инсонпарвар, демократик ҳукумад давлат барто этишни күзлаганиликда, фуқаролар тинчлиги ва милдатлараро тутувиликни таъминлашни мақсад қилиб күйганиликда халқнинг мұхтар вакыллары сиймосида Ўзбекистон Республикасининг ҳозирғи Конституцияси қабул қилинди.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини күзлаб ва Конституция доирасида ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томониданғина бошқарылади.¹ Ҳокимият конституцион тамойиллар асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқларига бўлинган. Давлат ҳокимиятини ташкил этишда Олий Мажлис алоҳида ўрин тутади. У олий давлат вакыллар органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади² ва конституцион ислоҳот асосида ташкил топган. Олий Мажлис ҳудудий округлар бўйича кўп партияйилик асосида беш йиллик муддатга сайланган 250 нафар депутатдан иборат.³

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси деган ҳуқук бор. Бундай ҳуқуққа Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органдар орқали Қорақалпогистон Республикаси, Ўзбекистон республикасининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Республика Конституцияий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокурори эгадир.⁴

Давлат ҳокимияти тизимида ва демократик жамият қуришда Президентнинг роли катта бўлиб, Конституцияга биноан у давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлигидир. У айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади ва фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1995 йил 26 марта ўтказилган умумхалқ овоз бериши натижаларига кўра, 99,6 % овоз билан Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди. Халқ Президентга ҳокимиятни бошқариш ҳукуқини бера-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 10-бет.

² Ўша жойда, 23-бет.

³ Ўша бўтда.

⁴ Ўша жойда, 26 бет.

ди. Лекин жамиятни бошқариш, Президентни сайлаш тартиблари Республика қонунлари билан белгиланади.¹

Вазирлар Маҳкамаси иктисадиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Маҷлиснинг бошқа қарорлари, Республика Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунга мувофиқ Республика худудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.²

Маҳаллий давлат ҳокимияти ҳам давлатнинг муҳим таркибий қисмидир. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлар, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиласиган ҳалқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органи бўлиб, улар фуқаролар ва давлат манфаатларини кўзлаб, ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал қиласидар.

Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарларда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўз-ўзини бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил мuddатга раисни (эксоколни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлади.³ Ўз-ўзини бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.⁴

Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳокимлик бошқаруви тизими тикланган бўлиб, бу маҳаллий давлат органининг асосини ташкил қиласиди.

Суд ҳокимияти Республика Конституцияси томонидан кафолатланган. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.⁵

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ўзаро муносабатлари ҳамда суд тизими қўйида келтирилган 2-жадвалда ифодаланган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 29-бет.

² Ўша жойда, 30-34 бетлар.

³ Шу манба, 36 бет.

⁴ Ўша бетда.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 36-бет.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ



Ҳалқ ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлган ҳолда ҳалқ манфатларига хизмат қилиш давлатнинг асосий вазифаси хисобланади. Ҳокимият фуқароларнинг вакиллик органлари, Президент, суд орқали амалга оширилган экан, улар вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз ҳоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.¹

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 40-бет.

Республика қудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши~
устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Баш прокурори ва
унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.¹

**б-мавзу. Ўзбекистон демократик, одил, фуқаролик
жамияти қуриш йўлида**

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Демократик ҳукуқий давлат қуриш фуқаролик жамиятининг мухим босқичи.

2. Ўзбекистонда одил, фуқаролик жамияти қуриш демократлаштиришнинг олий мақсади.

1. Суверен демократик республика ҳисобланувчи Ўзбекистон демократия ва ижтимоий адолатга содиқлигини намойиш қилиб, инсонпарвар демократик ҳукуқий давлат қуришни кўзлаб Республика Конституцияси ни қабул қилди.² Бундай давлатни барпо этишининг шартлари мавжуд. Уларни Ўзбекистон мисслида кўришимиз мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистонда барпо этилган давлат энг аввало, умумжахон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар кўлга кирифтган ижтимоий тажрибеларга, ижтимоий қадриятларга асосла-
нади.

Иккинчидан, ўтмишда яшаган буюк ватандошларимиз бутун дунё тафаккур ҳазинасига улкан ҳисса қўшиб келганилар. Узоқ асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби азгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислом дини билан уйғун равишда ривожламади. Ва ўз навбатида, бу фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳраманд бўлиб, бойиб борди. Шундай қилиб, буюк келажаюча йўл олган Ўзбекистон ана шу фалсафага хос равишда Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир боболаримизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шакланиши лозим бўлди.

Хозирги даврда демократик жамиятнинг бутун дунё тан олган та-
мойиллари мавжуд. Булар ҷумласига - инсоннинг ўз хоҳиш иродасини эркин билдириши ва амалга ошириши, озилинкнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг ҳукуқлилиги, давлат ва жамиятнинг бошқарувида қонуннинг устулиги, давлатнинг асосий органларини сай-

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 40-бет.

² Шу асар, 1,8,9 - бетлар.

лаб қўйилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисобот бериши, тайинлаб қўйиладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдиаги жавобгарлиги ва бошқалар киради. Бу тамоиллар деярли барча ривожланган мамлакатларнинг Конституцияларида ўз ифодасини топган.

Шу ўринда муҳим савол тугилади: Ўзбекистонда бу тамоилларга қандай амал қилиш мумкин? Ҳуқуқий давлат, чин маънодаги эркин фуқаролар жамияти қурмоқ учун шуларнинг ўзигина кифоями? Йўқ, албатта. Маълумки, демократик жараёнлар ўз объектив қонунлари асосида ривожланади. Демократик давлат қуришда уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб қилинади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари мавжуд. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда, аста-секин таркиб топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар қилишга уринишлар гоят нохуш, ҳатто фожеаларга олиб келади. Инқилобни Гарб олимлари ҳам, ўз вақтида, "Ижтимоий тараққиёт-нинг ибтидоий ва ёввойи шакли" деб баҳолаганлар. Табиий равишда бундай демократияга зид йўл Ўзбекистонга бутунлай тўгри келмайди.

Учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Шуниси аёники, Гарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади. Шарқдаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш таҳкибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъанааларга эга. Демократия тушунчаси бизда ҳамжиҳатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устиворлиги заминида шаклланади. Ўзбекистонда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларга мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши керак.

Шу ўринда буюк мутафаккир Аҳмад Яссавийнинг - маънавий камолотга интилиб яшаш лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсонномига номуносибdir, деган доно иборасини эслаш мухимдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда жамиятни бошқариш тизимини белгилаш пайтида алоҳида ҳисобга олинниб борилди. Буни маҳаллалар иши мисолида яқъол кўриш мумкин.¹

Шуниси аниқки, узоқ асрлар мобайнида маҳаллаларда жуда кўплаб ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келди. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳли иштирокисиз ўтмайди. Сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри ҳам шу маҳаллаларда шаклланади. Бу жуда ибратли бўлиб, халқимизнинг турмуш тарзи, отабоболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Ай-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 12-бет.

ни пайтда ҳәётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантиришни, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашни талаб қилмоқда. Кўп киррали ислоҳотлар амалга оширилаётган пайтда улар жамият учун ишончли таян ва таъсирчан куч бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий адолатнинг негизи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз исфодасини топган. Адолатлилик биринчи галда кишиларнинг тенг ҳукуқиликлари билан узвий боғлиқдир. Конституцияда алоҳида қайд этилганидек, "Республикада барча фуқаролар бир хил ҳукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, келиб чиқиши, зътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатын назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйлади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт".¹

Мамлакатимиз олдида турган улкан вазифа шунчаки давлат куриш бўлмай, балки демократик, одил жамият куришдир. Адолат ва ҳақиқат тушунчалари бир-бирларига жуда яқин бўлиб, бир-бирларини тўлдириб турди. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиитининг муҳим вазифаларидан биридир. Ўтмишда олий адолат гояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаган исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. "Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак,- деб уқтиради И.А.Каримов, - курдатли, эркин, демократик давлат қура олмаймиз".²

"Адолат ва ҳақиқат гояси ижтимоий ҳәётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоги даркор. Адолат ва ҳақиқат гояси қонунчилик фаолияти-мизнинг замини, бош йўналиши бўлмоги шарт".³ Республикамиз ҳәётининг барча жабҳалари ана шу асосга таяниши зарур.

Жамиятимизда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгаришлари содир бўлаётган шароитда адолат гоясини ихчам хулоса билан шундай баҳолаш мумкин: давлат жамиятнинг кескин табақаланишига, ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак.⁴ Асосий вазифа - одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараёнда юзага келадиган ҳукуқий механизмни яратиб берилишидир. Ана шундан кейингина инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, уддабуонлигига боғлиқ.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 12-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 13-бет.

³ Ўша жойда, 13-бет.

⁴ Ўша жойда, 14-бет.

Ўрта аср шарқида жамият ва давлат мұаммолари ҳақида фикр юритган мұтафаккирлардан бириңиси Фаробий хисобланади. Үнинг "Фуқаролик сиёсати", "Баҳт-саодатга эришиш ҳақида", "Баҳтга эришиш йўлини кўрсатиш" деган асарларида ижтимоий ҳаёт фанининг предмети ва вазифаларининг таърифи, ижтимоий уюшмаларнинг пайдо бўлиши, таркиби ва кўринишлари, кишилик жамиятининг шакллари берилган. Олим шаҳар, давлат, давлат бирлашмаларининг хусусиятлари ва ҳаёти тўғрисидаги тушунчаларни асослаган, давлатнинг вазифалари ва уни бошқариш шакллари тўғрисида тасаввур берган, давлат бирлашмаларининг вазифалари ва пировард мақсадини аниқлаган, умумий бирлашишнинг йўллари ва усулларини кўрсатган. Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий таълимоти Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ва Абу Али ибн Синонинг асарларида ҳамда улуг ўзбек мұтафаккири ва шоири А.Навоий асарларида ўз ривожини топган.

ХХ асрнинг бошларига келганда Туркистонда миллий давлатчиликни тиклаш йўлида озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Бу даврнинг энг таъсирчан кучлари сифатида жадидлар шаклланди. Улар жамиятнинг ўрта ва энг куйи қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга тамал тошини кўйдилар.¹

2. Ҳозир Республикада содир бўлаётган давлат, жамият, ҳукуқ жарайёнлари ҳам янгича тафаккурни тақозо этмоқда. Айниқса фуқаролар жамияти қуриш масалалари долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Фуқаролик жамияти сари борар эканмиз адолат тамойилларига амал қилишга юз тутган Ўзбекистондаги ҳалқ ҳокимияти хисобланувчи "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилди".²

Ўзбекистон Республикасининг олий мақсадига тўхталиб, И.А.Каримов шундай дейди: "Биз фуқаролик жамияти қуришга интилоқдамиз".³ Бу жараён маълум тарихий даврга мўлжалланган бўлиб, Республика Конституцияси билан кафолатланган. Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳукуклар ва бурчлар орқали узвий боғланган. Фуқароларнинг ҳукуклари ва эркинликлари дахлсизdir.⁴

Фуқаролик жамияти қуришнинг маъноси шуки, давлатчилик ривожланиб борган сари бошқарувининг турли хил вазифалари бевосита

¹ Философия лугати. Тошкент, Ўзбекистон, 1976, 553-бет; Каримов О.А., Гафаров З.М. Основы государства и права. Тошкент, Ўқитувчи, 1995, 9-15 бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 11-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 14-бет.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси... 13-бет.

халққа топшириләди, яғни ўз-ўзини бошқариш органлари янада ривожлантириләди. Лекин ўтиш даврида, эски, қотиб қолған тизим билан янги тизим ўртасидаги кураш кескін тус олади, іюкимоий-ікітисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун күчли іжрочи ҳокимият ҳамда жамият тубдан янгиланаётган бир пайтда, малакали, ҳар томонлама тәжрибага зәг бүлган, ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишга қодир күчли бошқарув алпараты, давлат органлари керак бүләди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда унинг бошқарув идоралари мисолида ана шундай тизим шақллантирилди. Янги жамият куриш жараёнида ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари - ҳокимликлар қайта тикланди. Уларнинг фаолияти ва ислоҳотларни күллаб-кувватловчи іюкимоий күчларнинг мавжудлиги туфайли, мамлекатимизда сиёсий ва іктиносий барқарорлик таъминланди. Демократиянинг қисман чекланиши, давлат органлари фаолиятининг кенгайтирилиши вақтинча, зарурый тадбирдир. Бироқ ҳақиқий миллий равнақта фақат давлат ҳокимияти вазифалари қатъий ва мукаммал белгилаб ва чеклаб күйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришиш мүмкин. Бундай жамиятда давлатнинг боз вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун қаттиқ назорат олиб борышдан иборат.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манбаатларга дахлдор бүлган энг мұхим вазифаларни амалга оширади. Булар жумласига мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шақллантириш, қонунчилликни ривожлантириш кабилар киради.

Жамият тараққий этиб боргани сари фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабат янгиланади, сиёсий бошқарув тизими камайиб, фуқароларнинг давлатчилик фаолияти, ўзини-ўзи бошқаришнинг аҳамияти ортади. Давлат ҳокимияти вазифаларини қатъий ва мукаммал белгилаб күйиш асосида фуқаролик жамияти ривожланади. Бошқарувнинг маҳалла погонасида жамоатчиликнинг фикри ва фаолияти ортади. Ҳақиқий демократик, адолат ҳукмронлик қыладиган жамият бир-бири билан узвий боғлиқ бүлган, бир-бирини ҳаракатта келтириб турувчи қисмлардан: давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик бирлашмаларидан тузилган бошқарувдан иборат бүләди. Шулардан давлатта тааллукли бүлмаган бүлакни фуқаролар жамияти деб аташ мүмкин. Демократия ва бозор ислоҳотларининг чуқурлашиб бориши билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви, фуқаролар жамияти улкан аҳамият қасб эта боради. Агар давлат фуқаролик жамияти манбаатларидан узоклашса, унда инқирозға юз тутади, ўзининг табиий-тарихий, іюкимоий аҳамиятини йүқотади.

Давлат ҳокимиятидаги демократия дарајаси ва фуқаролик жамиятининг етуклиги жамоатчилик асосида вужудда келганды сиёсий ва іюкимоий

моий ташкилотларнинг ривожланганилиги ҳамда таъсирчаник даражаси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий, ижтимоий институтлар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мағкура давлат мағкураси сифатида ўрганилиши мумкин эмас.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда касаба ўюшмалари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, кўпсонли ижтимоий жамгармалар улкан аҳамиятга эга.

Давлат ва жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орғанларининг уйгун фаолият кўрсатишларида маҳаллаларнинг ўрни алоҳидадир. Ҳозирги кунда ижтимоий муассаса, ўз-ўзини бошқариш органи бўлган маҳаллаларга катта ҳуқук ва ваколатлар берилган, уларга ҳокимиятни бошқариш органларининг маълум вазифалари топширилган. Масалан, 1995 йил маҳалла қўмиталарининг қарорлари билан 500 мингдан зиёд кам таъминланган ва кўп болали оиласлар б 5 млрд. сўмлик моддий ёрдам олдилар. Давлатнинг бу бюджет маблаги маҳаллалар ихтиёрига берилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви билан фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг ўзаро bogланиш нисбатини қўйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ТИЗИМ

3-жадвал



¹ Узбекистан 5 лет по пути демократических и рыночных реформ. Часть I. Ташкент, Учебная типография Ташполиграфтехникума, 77-бет.

Ууман олганда демократик, одил, фуқаролик жамияти қуриш мұхим тамойил асосида босқын-босқын амалға оширилади. Улар үза-ро боғланишда бўлиб, бир-бирларини тўлдирувчи жараёндир. Фуқаро-лик жамияти демократик тизимнинг ривожланиши натижасида ҳокимият ижтимоий ўз-ўзини бошқариш даражасига кўтарилади. Бу мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараённи қўйидагина боғланишда тасав-вур этиш мумкин.



Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида Ўзбекистонда давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳияти тубдан ўзгарди. Қисқа вақт ичиде эски давлат ҳокимият тизими барҳам топди. Миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳуқуқий, демократик, фуқаролар жамияти қуришга бел боғлаган Ўзбекистон Республикаси миллий анъаналарни, маъна-виятни, жаҳон цивилизацияси ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш ва миллий равнақ сари илгарилаб бормоқда.¹

7-мавзу: Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ружудга келиши ва фаолияти. Кўппартиявилик тизимининг шаклланиши

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари южтимоий-сиёсий та-раққиётнинг омиллари сифатида.
2. Кўппартиявилик жамиятни демократлаштиришнинг мұхим шар-тидир.
3. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришда жамо-ат бирлашмаларининг тутган ўрни ва аҳамияти.
1. Жамиятда кенг демократик ислоҳотларни, айниқса унинг мұхим таркибий қисми бўлган сиёсий ислоҳотларнинг амалға оширилиши ва янада чукурлашиб боришида сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмала-рининг кўп қиррали фаолиятлари гоят мұхимдир. Шунинг учун ҳам мус-

¹ Каримов И.А.Хозирги босқында демократик ислоҳотларни чукурлаш-тиришнинг мұхим вазифалари //Халқ сўзи, 1996, 30 август.

тақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, уларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор берилди.

Сиёсий партиялар жамиятда муайян ижтимоий гурухларнинг манфатини, эҳтиёж ва истакларини ифода этиувчи фуқаролар билан давлатни боғлаб турувчи муҳим бир бўғин ҳисобланади. Немис социологи, тарихчи, хуқушунос Марк Вебер (1864-1920) сиёсий партиялар тушунчасини қўйдагича ифодалайди: “Партиялар ўз аъзоларининг ихтиёрийлигига асосланган, ўз олдига аъзоларининг моддий фойда ёки шахсий имтиёзлар олиш учун маънавий ва моддий шароитлар яратиш мақсадида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга йўналтирилган жамоат ташкилотларидир”. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни лойҳасида эса янада мукаммалроқ талқинда берилган: “Сиёсий партия - қараашлари, қизиқишилари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамиятни муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рӯёбга чиқаришга интигувчи ҳамда вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир”. Лекин шуни айтиш керакки, сиёсий партия ҳалқдан ёки давлат ҳокимиятидан устун турадиган, кучли ташкилот бўлиши мумкин эмас. Улар давлат билан ҳалқ ўртасидаги воситачи бўлиб, ҳалқнинг сиёсий маданиятини юксалишига хизмат қиласди, ўз фаолиятлари билан ҳокимият ташкилотларига сайловлар пайтида кўрсатилаётган номзодларнинг истеъодли, адолатпавар, ҳалқ ўртасида обрӯ топган кишилардан иборат бўлишига ёрдам беради. Алоҳида таъкидлаш лозимки, демократик жарабаёнларнинг ривожланиши сиёсий партияларнинг сони билан эмас, балки уларнинг фаолиятлари мазмуни, моҳияти, мақсадлари билан белгиланади.

2. Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа давр мобайнida кўппартияйилик тизими шаклланди ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун улкан имконият тудирди, ўзларининг демократик мазмун ва таъмийдаги дастурлари билан чиқиб, муҳолифлар сифатида жамият тараққиётига ҳисса кўшмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига биноан сиёсий партиялар турли табака ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб кўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузицда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ еттичини сессиясида қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида” қонун лойиҳасида алоҳида қайд қилинганидек, ички ишлар органлари, прокурор ва прокуратура терговчилари, судялар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар. Конституциянинг 77-моддасига биноан мамлакатимизда олий давлат вакиллик органди, қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган Олий Мажлисга сайловлар ҳам кўппартияйилик асо-

сида амалга оширилади. Ушбу ҳолат жамият ва давлат бошқарувидаги ҳақиқий демократияни таъминлайди.

Демократик жамият қуриш жараённан сиёсий ҳокимиятини кўлга киритиш сиёсий партияларнинг пировард мақсади бўлмаслиги лозим, улар депутатларининг сайлов олди дастурлари ва қай даражада бажа-ришини назорат қилишлари керак. Сиёсий ҳокимиятнинг барқарорлиги, курдати у таянган сиёсий партиянинг демократик кучи билан белгиланади. Ўз навбатида, сиёсий партияларнинг кучи, курдати партия аъзолари томонидан мухим ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий муаммоларининг қай даражада чукур англашларига ҳамда уларни тез ба соз ҳал этишлари мафкураларининг согломлиги, шунингдек, уларнинг фаолиятларини халқ оммаси томонидан кенг қўллаб-қувватланиши билан белгиланилади. Мафкуранинг согломлиги эса унинг омма манфаатларини қанчалик чукур ифода этганлиги, илм-фан ютуқларига нечоғлик таянганилиги билан боғлиқ.¹

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда тўртта парламент туркумидаги сиёсий партия ва битта халқ ҳаракати мавжудdir. Уларнинг шаклланиш тадрижи ва нуфузини қўйдагича кўrsatiш мумкин:

Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ХДП).

Ватан тараққиётни партияси.

“Адолат” социал-демократик партияси.

Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси.

“Бирлик” халқ ҳаракати.

Ушбу сиёсий партиялар мамлакатимизда содир бўлаётган муайян тарихий шароитдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг маҳсулидир. Мустақиллигимизни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, муносиб келажак учун кураш олиб бориш, юртимизни жаҳоннинг энг илгор мамлакатлари қаторига олиб чиқиш ушбу партияларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Бизда ҳукмрон партия, мухолифатдаги партия ҳозирча йўқ. Буни назарга олиб, Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг VI-сессиясида сиёсий мухолифат тамойилари ва хусусиятларини асослаб берди. Сиёсий мухолифат, парламент мухолифати бўлсагина демократик жараёнлар жўшқин кечади.

Мамлакатимизда энг катта сиёсий партия 1991 йил ноябр ойида ташкил топган, қарийб 400 мингга яқин фуқароларни бирлаштирувчи, Олий Мажлисда энг йирик фракцияга эга бўлган Халқ Демократик Партиясидir. Шу билан бирга, 1994 йил декабрда бўлган сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлисга депутатлик мандатларининг 28 фоизини, туман ва шаҳар Кенгашларидағи ўринларнинг 48 фоизидан зиёдрогини,

¹ Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 14-16 бетлар.

Қорақалпогистон Республикаси Жүқориги кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларидағи ўринларнинг қарийб 40 фоизини шу партия олди.¹ ХДП аъзоларининг 94 фоизи Олий ва ўрта маҳсус мълумотларга эга. Улар орасида 300 га яқин фан доктори ва салкам 1400 фан номзодлари бор.

Халқ Демократик Партиясининг Олий мақсади, унинг дастурида баён қилинганидек, меҳнат аҳли ва ҳар бир онланинг миллати, дини, зътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатын назар, уларнинг моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечиришлари учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини қафолатлаш, шон-шуҳрати ва қадр-қиммати, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат масаласига алоҳида зътибор беришдир.

Ватан тараққиёти партияси 1992 йилда ташкил топган бўлиб, ўзининг 35 000 дан зиёдроқ аъзоларига эга.

Ватан тараққиёти сиёсий партияси ҳам муайян тарихий шароитининг маҳсули сифатида, жамият тараққиёти йўлидаги объектив эҳтиёжларнинг таъсири натижасида шаклланди.

“Ватан тараққиёти” Ўзбекистон ХДП дан фарқли ўлароқ, ўрта йўлни тутувчи сиёсий партия ҳисобланади. Партиясининг асосий мақсади Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун ўз атрофига жамиятнинг илгор кучларини тўплашдан иборатдир. Унинг асосий вазифаси, бош мақсади Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришдир. Бунинг учун у иқтисодиётни ислоҳ қилиш зарур деб билади. Партияning дастурига биноан, демократик жамият икки йўл билан вужудга келади: биринчидан, маърифат орқали ҳалқ онгидан, сиёсий эркинликлардан тўғри фойдалана олиш даражасига кўтарилиш; иккинчидан, шошилмасдан, барқарорликни саклаган ҳолда босқичмабосқич ислоҳ қилиш орқали бозор иқтисодиётига ўтиш.

Дастлабки пайтларда бу партия илгор зиёлиларни, тадбиркорларни, фермерларни Президент И.А.Каримов олиб бораётган йўл, сиёсат атрофида жиплаштиришга катта зътибор берди, шу билан бирга, ерни товарга айлантиришга либерализм ва радикализмга ўтиш даврида ҳокимият учун курашга қарши чиқди.³

“Ватан тараққиёти” партияси ўтиш шароитида ўз олдига муҳим назарий ва амалий вазифани қўйган. Булар, биринчидан, республикамида шарқона усулда шаклланаётган кўппартиявилик тизимининг назарий

¹ Жалолов А. Мустақиллик масъуляти, Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 47-бет.

² Ўша жойда, 49-бет.

³ Шарқона босиқлик сари (тўплам). Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 3-15 бетлар.

методологик асосини ишлаб чиқиш, уларнинг афзал томонларини кўрсата олиш, южобий ва салбий жиҳатларини илмий таҳлил қилиш бўлса, иккинчидан, аҳолининг кўп partiyaийлик шароитига мослашувига кўмаклашишдир. Улар давра сұхбатлари, оммавий ахборот воситалари, клублардан кенг фойдаланиш орқали амалга оширилади.¹

Адолат социал демократик партияси 1995 йил 18 февралда ташкил этилган. У ҳам парламент туридаги сиёсий партия бўлиб, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат билан сидқидилдан хизмат қилиш каби мақсадларни кўзлайди. Мустақиллик Ўзбекистон Республикаси худудида яшаётган миллат ва элатларнинг туб, ҳаётй ва умумий манфаатларига мос келадиган ҳукуқий, демократик давлатни барпо этиш, жамиятда юқтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва бурчларини ҳимоя қилиш, тушунтириш, ҳамда юксак маънавият ва маърифатни қарор топтиришга кўмаклашиш унинг асосий мақсадидир. Бу партия ўзининг матбуот органи саҳифаларида ҳукуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг фаолиятларига алоҳида эътибор бермоқда. Адолат социал демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикасинг Олий Мажлисида ўзининг депутатлар гурӯҳи парламент фракциясига эга. Унинг 18 февралда бўлиб ўтган таъсис курултойида Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларидан сайланган 185 нафар вакили қатнашди.

1995 йилнинг май ойида ташкил топган Ўзбекистон миллий тикланиш партияси ҳам парламент туридаги сиёсий партиядир. Унинг бош мақсади мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, айниқса маърифий-маданий равнақига эришиш йўлида хизмат этиш ҳисобланади. Партиянинг номи кўрсатиб турганидек, миллатнинг қад ростлаши, миллий онгнинг уйғониши йўлида фаолият олиб боради. Шунингдек, бу партия байналмилал тарбияга алоҳида эътибор беради, умуминсоний қадриятлар асосида “Туркистон-умумий уйимиз” шиори билан боғлиқ тарғибот ишларини олиб боради. Миллий тикланиш партияси мамлакатимизда ҳукуқий давлат, демократик жамият куришни, айни замонда, халқнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтиришни ўзининг бош вазифаси деб билади.

Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил (амалий) турларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда мавжуд сиёсий партиялар кўрсатмалари ҳозирги босқичнинг энг муҳим вазифаларидандир.³

¹ Шарқона босиқлик сари (тўплам). Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 9-бет.

² “Адолат” газетаси, 1996 йил, 17 феврал.

³ Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Олий Мажлиснинг VI-сессиясида сўзлаган нутқи //Тошкент ҳақиқати, 1996 йил, 31 август.

“Халқ бирлигі ҳаракаты” (Бирлик) 1995 йилнинг бошларидан кенг іютимоий-оммавий ҳаракат сиғатида дунёга келди. Сиёсий партиялар каби у ҳам қокимииятга даъво қилмайди. “Ўзбекистон гуллаб яшиши учун!” шиори остида фаолият кўрсатаётган ушбу ҳаракат кенг халқ оммаси фаолиятини ўюштиришга ҳаракат қиласи ҳамда мамлакатимизда етук мутахассислар, олимлар етиштиришга, ўрта маҳсус ва олий таълимни ривожлантиришга, іютимоий-сиёсий барқарорликни, миллатлар орасидаги бирликни, ҳамкорликни таъминлашга алоҳида эътибор беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 200 га яқин жамоатчилик бирлашмалари рўйхатдан ўтган. Булар давлат ва жамият бошқарув масалаларини ҳал этишга тобора фаол иштирок этаётган касаба, ёшлар аёллар, фахрийлар ўюшмалари, шунингдек, жамоатчилик жамгармалари ва ташкилотларидир. Шунинг учун Президентимиз Олий Мажлиснинг VI-сессиясидаги ўз нутқида Жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш демократик ҳаракатларнинг янада чукурлашишида муҳим йўналишлардан бири деб кўрсатди. И.А.Каримов айтганидек, фуқароларнинг ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг іютимоий фаолигини ошириш, турмушнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал қилишда уларнинг аҳамияти каттадир. “Шуни яхши билиб олишимиз керакки, - деб қайд қиласи И.А. Каримов, - жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўгинларида ўзбошимчалик, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди”.¹

8-мавзу. Иютимоий-сиёсий барқарорлик, миллий тотувликнинг таъминланиши янги жамият қуришнинг муҳим омилидир

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Иютимоий-сиёсий барқарорлик демократик жамият қуришнинг муҳим шартидир.
2. Иқтисодий ислоҳотларнинг I-босқичида иютимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши - кейинги босқичнинг муваффақиятлари гарови.
 1. Янги демократик жамият қуриш жараёнида тинчлик ва хотиржамликтин ҳуқмрон бўлиши, фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаганилиги, иютимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳасида қонун устиворлиги, жамият ва давлатни бошқаришдаги изчилиллик иютимоий-сиёсий

¹ Каримов И.А. Кўрсатилган нутқ //Халқ сўзи, 1996, 31 август.

Барқарорлик тушунчаси орқали ифода этилади. Бундай барқарорлик-нинг муҳим белгиларидан яна бири - миллатлараро тутувлиқидир. Демак, юқтимоий-сиёсий барқарорлик - ҳар бир фуқаро қундалик фаолияти-нинг бир маромда бориши, турли ижтимоий гурӯҳлар, миллатлар орасида тўқнашувларнинг йўқлиги, давлат, ҳокимият ҳаётида тангликлар-нинг бўлмаслигидир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, кенг ҳалқ оммасининг митингбозлиқ, дабдабабозлиқка берилмасдан тинч, қадамба-қадам яратувчилик фаолияти билан бандлиги, ишчи - дастгоҳ ёнида, дехқон - далада, врач - шифохонада, муаллим - синфхонада, хуллас, ҳар ким ўз жойида меҳнат қилиши - бу ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг моҳияти, мазмуни, ифодаси ва намоён бўлишидир.¹ Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, яъни сиёсат билан белгиланади. Ҳалқнинг қундалик моддий ва маънавий эҳтиёкларни тўла қондириш билан боғлиқ сиёсат ички омилнинг моҳиятини ташкил қиласи. Барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, айни замонда мамлакат манфаати устиворлигини таъминлаш ташқи омилнинг асосини ташкил қиласи.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукмрон бўлган жамиятда барча муаммолар тинч йўл билан - куч ишлатмасдан, музокаралар, маълум дараҷада ён беришлар орқали ҳал қилинади. Бу миллатлараро ва мамлакатлараро муносабатларга ҳам тааллуқлидир.

Мамлакатимизда ҳусусий мулк, мулкдорлар гурӯҳи шаклланавётган бир пайтда бу масала катта аҳамиятга эга. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳусусий мулкни қонун ҳимоя қиласаса, фермерларнинг уйларига ўт кўйиш бошланади. Мамлакат доимий миллатлараро ва ижтимоий можаролар майдонига айланиб кетади...тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида...кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, миңтақада миллатлараро ва фуқаролар тутувлигини, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур... Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур”.² Умуман ижтимоий тутувлик ва аҳиллик - бу ижтимоий-сиёсий барқарорлик демакдир.

Республика Президенти Ислом Каримов Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI-сессиясида сўзлаган нутқларида алоҳида таъкидлаганлариdek, Ўзбекистон Республикасининг беш йил ичida қўлга киритган энг муҳим ютуқларидан бири мамлакатимизда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 5-бет.

² Каримов И.А. Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 6-12 бетлар.

ијтимоий-сиёсий барқарорликнинг, миллатлараро тотувликнинг таъминланishi, жамиятнинг кўпмиллатлилик асосида шаклланиши бўлди.¹

Ўзбекистонда жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга қараб ривожланиши билан боғлиқ бўлган кенг демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши, уларнинг самарадорлиги, назарий ва амалий жиҳатдан ијтимоий-сиёсий барқарорликни талаб этади ва унга асосланади. Шунинг учун ҳам бундай барқарорликни демократик ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдевори дейиш мумкин. Бугун ҳалқимизга тинчлик ва осоишишалик керак.² Қонунийлик ва ҳукуқ-тартиботни қарор топтириш сиёсий ва конституциявий тизимга, яъни демократик, адолатли жамиятга эришиш калитидир.³

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ијтимоий-сиёсий барқарорликнинг энг муҳим омилларидан яна бири - миллатлараро тотувлик билан бирга, кишиларни кучли ијтимоий ҳимоя қилишдир. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуну кўрсатадики, кишиларни ијтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсиричан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига событ қадамлик билан ўтишини таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ијтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқаришни тубдан ислоҳ қилиш мумкин. Ушбу омиллардан бири - бу минтақавий ҳамкорлик, унинг мустаҳкамланиши, шунингдек, жамиятдаги барча сиёсий кучлар, жамоат ҳаракатлари, диний жамоаларнинг ўзаро ҳамкорлигидир.⁴ Бу ҳамкорликнинг ҳукуқий пойдевори, асоси Конституция ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда юқорида айтиб ўтилган сиёсий партиялар ва ҳалқ ҳаракатидан ташқари, яна 200 га яқин жамоат ташкилотлари, 14 та диний конфессия ўзаро сиёсий курашларсиз, Президент дастури атрофига бирлашиб, фаолият кўрса:моқда.

Янги тарихий жараёнда ҳокимлар қайта тикланди. Уларнинг кучли Президент бошқаруви ва синаланган анъанавий бошқарув идоралари фаолияти ҳамда ислоҳотларни қўллаб-куvvatлаётган ијтимоий кучларнинг мавжудлиги туфайли, мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик сақланиб турибди. Ҳар биримизнинг хонадонимизда тинч-

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари //Тошкент ҳақиқати, 1996 йил, 31 август.

² Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 26-29 бетлар.

³ Ўша китоб, 22 бет.

⁴ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар և режалар. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 47-48 бетлар.

⁵ Каримов И.А. Буюк мақсад йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 12-18 бетлар.

лик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.¹ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида алоҳида таъкидланганидек, демократияни янада чукурлаштириш босқичида сиёсий ҳамюҳатлик бош йўналиш бўлмоғи даркор... Демократия шароитларида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, ҳалқ таъбири билан айтилганда, муросай мадора билан барта-раф этиш воситасига айланади.²

2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши - иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якуни, ривожланишнинг таянчи, муҳим воситаси ҳамдир..

Ижтилоий-сиёсий барқарорликни энг муҳим вазифаси ислоҳотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик, ободончилик ишларини амалга ошириш, шу билан бирга, эркин ва сермаҳсул меҳнат қилиш имконият ва шароитларини ҳамда мураккаб ўтиш даврининг 2-босқичини вужудга келтиришнинг энг муҳим ижтимоий кафолатини яратиш бўлса³, ўз навбатида, бу туб ўзгаришларнинг меваффақияти южтимоий-сиёсий барқарорликни янги, янада юқори погонага кўтаради, демократияни мустаҳкамлайди, пировард мақсад - одил фуқаролар жамияти учун кенг йўл очиб беради.

Республика ҳукумати миллатлараро муносабатларни бошқариб бориша ҳам муҳим ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Хусусан, республикада яшовчи миллат вакилларининг миллий-маданий марказлари тузилди. 100 га яқин бундай марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 1993 йил 13 ячварда И.А.Каримов ташаббуси билан "Республика байналминал" миллий-маданий маркази ташкил этилди.

Мазкур миллий-маданий марказлар республикамизда яшовчи ҳар бир ҳалқнинг бой тарихий-маданий мерослари ва анъаналарини тикилаш ва ривожлантириш, бошқа миллат вакиллари билан яқинлашиш, дўстликни ва инсонпарварлик гояларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воситалардан бири ҳисоблади. У ҳар бир ҳалқ маърифати, маънавияти ва маданиятининг асосий негизи сифатида ягона давлат доирасида уйгуналашиб, уларнинг келажагини белгилайди ва ягона давлат манфаати доирасига кўтарилди. Ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, ҳар бир миллатнинг туб, ҳаётий эҳтиёжларига тўла мос келади. Ўзбекистонда миллатлараро янги муносабатларни қарор топишида миллий-маданий марказларнинг фаолиятларини ташкил қилиш, ривожлантириш билан бир қаторда, ҳар бир миллатнинг миллий турмуш

¹ Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 15-бет.

² Ўша жойда, 26-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 254-255 бетлар.

тарзининг йўлга қўйилиши, миллий анъаналарнинг қайта тикланиши, халқ ижодини ўрганиш ва ривожланишини рагбатлантириш ва бошқа шу каби ишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир миллат умуминсоний қадриятларга эга.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамиятнинг ҳамма соҳалари, жабхалари ва йўналишларида, айниқса жамият ва давлат бошқарувида кенг демократик ислоҳотлар олиб боришлар асосида қарор топди. У ҳукукий давлат, фуқаролар жамияти, эркин меҳнатга асосланган бозор иқтисодиётини қарор топтириш жараённида шаклана борди. Кундалик турмуш, жамиятни демократлаштириш эҳтиёjlари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга интилишлар, изчил ички ва ташқи сиёsat орқали таъминланди. Энди ундан янги босқич вазифаларини муваффақиятли бажариш йўлида тўғри фойдаланиш зарур.

9-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар сиёсати ва унинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Кадрлар сиёсати тараққиётнинг муҳим омили сифатида.
2. Демократик жамият қуриш талабларига муносиб мутахассис кадрлар тайёрлаш шартлари.

Кадрлар корхоналар, давлат муассасалари, жамоат ташкилотларининг асосий ва малакали (лавозимлардаги) таркиби ҳисобланади. Давлатга ўюшган жамиятда бу муаммога нисбатан олиб бориладиган муайян сиёsat ҳар доим ҳам бирдай эмас. Собиқ Шўролар ҳукмронлиги даврида кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш давлат типидаги ягона компартиянинг тасарруфида ва кадрлар сиёсати масаласига синфиийлик, шовинистик тамоилии талаблариги кўра ёндошилган. Шу боис, мутахассисларни, айниқса амалдорларни маълум лавозимларга тайинлашда ижтимоий адолатсизлик ҳамда қатъиятсизлик, юқори мартабадаги шахсларнинг ирода-ҳоҳишлири ва шахсий садоқат, қариндош-уругчилик, ошна-оғайничилик сингари номақбул бебошликлар чуқур илдиз отган эди. Юксак мартаба эгалари партия ташкилотлари томонидан тузилган "лавозимлар рўйхатига" даъвогар шахсни мана шундай қонунсизлик асосида олдиндан, ҳатто талабалик, комсомол етакчилиги давридаёқ киритиб қўйган.

Хозир кадрларнинг жамиядаги роли, ўрни ва вазифаларини янгитдан мушоҳада қилиш жараёни бошланди. Давлат ва жамоатчилик тизимининг ҳамда шаклланаётган фуқаролар жамиятини муассасалари вазифалари доирасини чегаралаш юз бермоқда. Янги жамиятни барпо этиш жараёни давлат, ҳам жамият, ҳам қонун йўли билан яшайди. Лекин

униси ҳам, буниси ҳам кадрлар орқали, уларнинг фаолияти туфайли ҳаракатга келади. Ҳал қилувчи қайси бири, кадрми ёки қонунми, деган савол тугилади.

Давлат ҳокимиятини, алпаратни, кадрларни ҳуқуқдан, сиёсатни эса қонундан юқорилиги энди ўтмиш бўлиб қолиши кутилмоқда. Ҳокимият, амал, лавозим эгаси тартиботга, қонунчиликка, аҳлоқ мезонларига бўйсуниши зарур. “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар... ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир”. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципига мос бўлиши керак.¹ Мана шу йўл билан қонуннинг устиворлик гояси конституцион мустаҳкамланган. Ҳар қандай амалдор, юксак мартабада бўлса ҳам, қонунга бўйсунади.

ИҚТИСОДИЙ, АЙНИҚСА, СИЁСИЙ ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАКИЯТИ, АВВАЛО БОШҚАРУВ СОҲАСИДАГИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ДАРАЖАСИГА, УЛАРНИНГ БУГУНГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОЦИРИШ ИСТАГИ ВА ЛАЁҚАТИГА БОҒЛИҚ.²

Ўтиш даврида давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурияти сезилди. Унинг асосида қабул қилинадиган мөъёрий ҳужкатларда давлат хизматчиларни ташлаб олиш тизими, уларнинг ҳуқук ва бурчлари, масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёзлари белгилаб берилади.³

Бундай қонуннинг қабул қилиниши ўз хизмат бурчига содик, юксак малака эгаси бўлган ҳодимлардан иборат давлат алпаратини барпо этишини таъминлайди.⁴ Масъулият масаласини ҳам унутмаслик лозим. Демократик ривожланиш жараёнида кадрлар зиммасига юклangan вазифаларнинг бажарилиши ва тегишли ташкилотлар томонидан қаттиқ назорат остига олиниши керак. Токи, ҳар бир раҳбар бутун жамият амалга ошираётган ислоҳотлар учун жавобгар, масъул эканлигини ҳамиша ҳис этиб турсин. У белгиланган вазифаларни бажариш йўлида одамларни ўюстириш, жамоада ижодий, хайриҳоҳлик мұхитини яратабилиши лозим.

Ўзбекистонда ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқий давлат қуриши йўлида экан, қонун жамиятда бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органдарни зиммасига катта масъулият

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 12-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 17-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболичининг асосий талқийиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 17-бет.

⁴ Шу манба, 19 бет.

юкланиб, ундей жойларда ишловчи кишиларнинг касб маҳорати ҳамда ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ортади. Энг аввало, суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш биринчи ўриндаги вазифалардан бирига айланади. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тўғрисида ҳам алоҳида қонун бўлиши талаб қилинади. Ушбу қонунда мазкур органлардай кимлар ишлашга ҳақли эканлиги, қандай фазилатларга эга бўлишлари каби ҳолатлар, нечоғлик масъулиятли ва жавобгар, мансаб пиллалоясидан кўтарилиш шартлари ўз аксини топиши зарур. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига кўли эгри, пораҳўр, виқжонсиз кимсаларнинг кириб қолишини бартараф этадиган тизимни қонун йўли билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқидир.¹

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугун жамиятида ислоҳот ўтказиш, уни янгилаш, буюк мақсад - демократик, фуқаролик жамияти қуриш, унинг назарий асосларини амалиётга татбиқ этиш уддабурон кадр-мутахассисларига боғлиқ. Бироқ истиқлолнинг дастлабки даври кўрсатдики, бундай юксак малака эгаларини дастлабки йилларда топиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Республикаизда собиқ шўро тузуми хукмронлиги даврида партия, давлат, хўжалик, жамоатчилик соҳаларида раҳбар лавозимларда ишлаб, оммага етакчилик қила олиш таҳкрибасига эга бўлган, ўз номига дот туширмаган кадрлардан оқилона фойдаланиш эҳтиёжи сезилди.

Демократик ривожланишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти жуда улкандир. Бу ҳам ўз ўрнида малакали, уддабурон кадрлар билан боғлиқдир. Юқорида айтилган фазилатларга эга мутахассис-раҳбарларнинг этишмаслиги туфайли, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида, оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмади, ўзларини “тўртингчи ҳокимият” сифатида намоён қила олмадилар.

Кадрлар сиёсатининг шундай тизимини яратиш керакки, унда кадрлар янги демократик жамият қуришнинг асосий, ҳал қилувчи кучига айлансан.

“АГАР БУГУНГИ ҲАЁТИМИЗДА АНИҚ СИЁСАТИМИЗНИ ЎТКАЗИШДА ЭНГ ОГИР МУАММО НИМА, ДЕБ СЎРАЛСА, МЕН АВВАЛО, ШУ СИЁСАТ УЧУН КЕРАК БЎЛСА ЖОННИНИ ФИДО ЭТАДИГАН РАҲБАРЛАРНИ, ЖОНКУЯР ИЖРОЧИЛАРНИ ТОПИШ, ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАН БЎЛУР ЭДИМ”²

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 17-бет.

² Каримов И.А. Илму-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. “Ватан саҳдагоҳ каби муқаддасдир” деган китобда. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 47-бет.

Муаммоларга бой янги давр янгича фикрлайдиган, замонавий та-
лаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашни, вояга етказишни
шарт қилиб қўйди.

Жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга
таяниш ҳал қилувчи омилга айланди. Бу масала барча соҳаларга, жум-
ладан, илм-фан, касб-корни эгаллаш, замонавий зиёли бўлишга ҳам
дахлдордир.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида баъзи корхона раҳбарлари-
нинг замонавий фикрлаш даражасига ета олмаганиллари Республика
саноатида ялпи маҳсулот ҳажмининг пасайишига олиб келди. Саноат
маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йил шу даврдагига
нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати корхоналарида энг асо-
сий маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг пасайиб бориш даражасини
куйидаги рақамларда кузатиш мумкин:

Фонз хисобида²

Экскаватор ишлаб чиқариш -	84,3
Автомобил прицеплари ва ярим прицеплари -	64,3
Компрессорлар -	57,2
Пахта териш машиналари -	58,3
Тракторлар -	85,9

Буларнинг асосий сабаблари фақат ҳамдўстлик мамлакатлари билан
иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолиши бўлмай, балки айrim давлат ва
ташикилот раҳбарларининг тушунчаси, дунёқараши, иш услублари эскича
булиб, амалий ишга боқимандаларча ёндошганларидадир.

Бозор иқтисодиётининг қонун ва талаблари бир жиҳатдан қатъий ва
аёвсиз бўлса, бошқа жиҳатдан улар ҳаммани ўз қўлидан келадиган иш
билан шугулланишга, топширилган вазифага, одамлар тақдиди учун
масъулиятни теран ҳис этишга ўргатади. Бундай шароитда боқиманда-
лик кайфиятида бўлганлар четга чиқиб қолаверадилар.

Раҳбарликка тадбиркор, ақлли, ташаббускор, иш ва жамоа манфа-
атлари тўғрисида жон куйдирадиган кадрлар ютарилишини кундалик
ҳаётнинг ўзи зарурият қилиб қўяди.

Кадр танлашда маълум қоидаларга амал қилинса, катта хатоларнинг
олди олинади. Ишчан, ақлли, идрокли, иймони бут, ривожланган мала-
катлар тажрибасини ўрганишга интигувчи, юрагида Ватанга меҳр туйгу-
си кучли бўлган ёш мутахассисларги ишониб, уларга шуни бемалол

¹ Каримов И.А. Илму-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. "Ватан
сајдагоҳ каби муқаддасдир" деган китобда. Тошкент, Ўзбекистон,
1995, 47-48 бетлар.

² Ўша китоб, 63 64 бетлар.

төлшириш мумкин.¹ 1994 йилнинг ярмига келганда республика пойтахти Тошкент шаҳрида 500 дан зиёд кўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўз вақтида ишга туширилмаганлиги оқибатда ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлаш йўлга қўйилмади. Хорижга тавар чиқариб, мамлакат валюта заҳираларини бойитиш фаолияти билан шаҳар раҳбарияти қизиқмади. Ваҳдоланки, бундай корхоналар, айниқса Мирзо Улугбек, Юнус Обод, Яккасарой туманларида кўп эди.

Тадбиркор ва ишнинг кўзини биладиган раҳбар кадрлар бундай көрхоналарни ривожлантириб юбориши, бозор иқтисодиётининг муҳим шарти бўлган мулкчилик шаклининг хидма-хиллигига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўзаро раҳобатни вужудга келтиришга аҳамият беради.²

Ўтиш даврида юкори лавозимдаги кадрларнинг асосий вазифаси - халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштириш ва ички бозорни маҳсулот билан тўлдиришда тадбиркорларга кенг йўл очиб беришдан иборат. Лекин ислоҳотларнинг қай даражада амалга оширилиши раҳбарнинг дунёқараши, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқ.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат аҳамиятига молик иш бўлиб, бунда замон талаби даражасида билим, малака берувчи таникли олимлар, чет эл мутахассиларини жалб этиш зарур.

И.А.Каримов кадрларни танлаш ва тайёрлаш тамойилларининг иккιйуналишини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Биринчидан, кадрлар масаласини ҳал қилишга даҳлдор кишилар, айниқса халқимизнинг кўп миллатли хусусиятларини зътиборга олиши зарур. “Кадрларнинг таркиби устида ҳам биз миллӣ ва маҳаллий чекланишлардан устун турис учун барча чораларни кўришимиз лозим бўлади. Бу ўринда Республиkanинг кўп ийллик шаклланган ҳаёт тарзини, кўпмиллатлий хусусиятларини, ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини сақлаб қолиш мақсадларидан келиб чиқиб иш тутишимиз лозимdir.”³

Иккинчидан, кадрларни ишбилармонлик фазилатларини юкори даражада етарлича қадрлай билиши керак.

Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантиришда Молия Академияси, Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети ва беъзжалар муҳим ўрин тутади.

Истеъодли кадрларни кўллаб-куvvatlashida уларнинг сиёсий мақсади ёки диний зътиқоди эмас, балки Ватан ишига бўлган ҳалол муноса-

¹ Каримов И.А. Ватан сақдагоҳ каби мұқаддасдир. Гошкент, Ўзбекистон, 1995, б6 бет.

² Ўша жонда, 71-бет.

³ Караванг: “Ўзбекистон овози”, 1992 й., 3-апрел.

бати, қобилияти, билимдоңлиги каби фазилатлари асосий мезон бұлишини бугунғы күн талаблари тақозо қылмокда.

Кейинги йилларда иқтисодий ривожланған мамлакатлар билан ўрнастылған муносабатларда кадрлар тайёрлаш, бундай мамлакатлар имкониятларидан кенг фойдаланиш ишларига алохіда зәтибор берилди. Масалан, Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш соҳасини АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАУД), АҚШ ахборот хизмати (ЮСНС), савдо ва аддия вазирликлари томонидан молиявий таъминлананаётгандаргини алохіда күрсатыш лозим.

Кейинги уч йил мобайнида бу дастурлар бүйінча Ўзбекистоннинг 861 фуқароси, жумладан, уларнинг 451 нафари АҚШда касб ўрганди ва таҳсил олди.

10-мавзу. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурияти, қонунлари ва хусусиятлари

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Бозор иқтисодиётини белгилаб берувчи шарт-шароитлар, унга ўтишнинг зарурлиги.

2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ва хусусиятлари.

3. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш мамла катимиз ички сиёсатининг негизи.

1. Бозор иқтисодиётини белгилаб берувчи қуйидаги қатор шарт-шароитлар мавжуддир:

а) иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш борасидаги вазифаларни одамлар, одамлар гурухлари ва минтақалар ўртасида тақсимланишига эришиш орқали эркин товар алмашувига ўтиш;

б) мустақил давлат ҳамда замонавий иқтисодиёт қонунларини яхши биладиган, қолаверса, уларни ижодий ривожига ҳисса қуша оладиган, иқтисодий тадбирларни амалиётга татбиқ этишга қодир бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар туб ислоҳотларни ўтказишга тайёр бўлишлари;

в) эркин тадбиркорлик, пул талаби ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчиларни жамият учун зарур бўлган сифатли мажбуслотларни етказиб беришга бўйруқлар ва кўрсатмаларга қараганда бир мунича жиiddийроқ мажбурлайди;

г) кенг ишлаб чиқариш омилларига (жумладан, ишчи кучига ҳам) эга бўлиш учун замонавий ишлаб чиқариш воситалари, етарли ишчи кучи, ахборот бозори, ривожланған бозор хўжилиги зарур;

¹ Каримов И.А. Демократик ўзгаришлар - жамиятимиз янгиланиши асоси /Халиқ сўзи. 1996 йил, 28 декабр.

д) рақобат бўлгандагина бозор меъёрида ишлайди. Ҳар қандай монополиялар (якка ҳокимлик) бозор қонунларига амал қилинишига тўсқинлик қилади ва ҳ.к.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, турмуш дара-жаси юксак бўлган мамлакатлар қаторига чиқиб олишни таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини вужудга келтириш зарур эди.¹

Собиқ иттифоқ шароитида хом ашё базасига айланаб қолган Ўзбекистонни эндиликда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, барча истеъмол товарлари ва техника, технология билан ўзини ўзи таъминлайдиган, четга жаҳон андозалари талабларига мос рақобатбардош товарлар чиқариши қодир бўлган республикага айлантириш мақсади мустамлака-тоталитар тузум меросининг оғир оқибатларини тугатиш ҳамда кенг миқёсда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиши объектив шарт қилиб қўйди.

2. 1992 йилнинг бошларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараккӣёт ва янгиланишининг негизини ташкил қилувчи, жаҳон амалиётида синалган гоят хилма-хил йўлларни эътироф этган ҳолда, республика учун хос бўлган йўл мавжудлигини зълон қилди.

Ўзбекистонга хос мазкур ҳар томонлама самарали йўлни ишлаб чиқиш учун республика жойлашган минтақага оид хусусият ва шарт-шароитларнинг ҳисобга олиниши гоят мухим бўлди ва И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бешта асосий қонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзагини ташкил этди. Уларнинг мокияти қуидагичадир:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташки иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилишининг зарурлиги;

Иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши, ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини енгиши шартлиги;

Учинчидан, Конституция ва қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бу демак, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай амал қилиши;

Тўртинчидан, аҳолининг демографик тарқибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 9-11 бетлар.

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишни объектив иқтисодий қоңуларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, "инқилобий сакрашлар"сиз, яъни эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга ошириш.

Ўтиш даври, тараққиёт ва ривожланишга асос қилиб олинган бўлиб, бу қоидаларга амал қилинishi республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, бозорга ўтиш йўлидан изчил боришни таъминлайди.¹

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли республикани ривожлантиришининг қўйидаги асосий, ўзига хос хусусиятлари ва шартшароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади:

I. Миллий-тарихий турмуш тарзимизни, ҳалқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга олиш. Ўзбек ҳалқида азалдан жамоа туйгусига мойиллик, одамгарчиликни ҳамма нарсадан устун қўйиш, байналмилалчи, она ватанига боғланиб, ўтроқ турмуш кечириш, илм-маърифатга интилиш, устозларга эҳтиром, меҳнатсеварлик туйгуси юксакдир.

II. Маънавият ва қадриятларимизга ўчмас муҳр босган ислом динини албатта назарда тутиш лозим. Динга нисбатан ижебий муносабатда бўлиш ташки қиёсатда, айниқса мусулмон мамлакатлари билан ўзаро алоқаларни кенгайтиришда катта аҳамият касб этади.

III. Республика аҳолисининг ярмига яқинини ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Ўсиш суръати жуда тез бўлиб, меҳнат ресурсларининг ўсиш даражаси ҳам шунга мос. Демак, бозор муносабатларига ўтишда демографик аазиятни албатта ҳисобга олиш зарур:

Яна бир хусусият - ҳалқимизнинг 60% дан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилишиб, асосан дехқончилик билан шугулланади. Меҳнат ресурсларини, корхоналарни жойлаштиришда ушбу вазиятни эътиборга олиш талаб этилади.

IV. Ўзбекистонда яшовчи 129 миллат ва элатлар, шунингдек, уларнинг анъаналари, маданиятининг ривожланишини ҳам ўйлаш керак бўлади.

V. Ўзбекистоннинг чет эллар билан ҳамкорлик қилишга қулай бўлган, унинг бошқа мамлакатлар билан боғловчи геосиёсий мавқеи асосий мезонлардан биридир.

VI. Дехқончилик жуда кўп сув талаб қиласди. Республиkaning сув ресурслари жуда чекланган.

VII. Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари, қимматбаҳо заҳиралари дунё бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни тубдан ўзгартириш ва ривожлантириш имконини беради.

VIII. Шўролар даврида шаклланган ижтиомий онг, ижтимоий психологияни ҳисобга олиш, йўқотилган мулкдорлик ҳиссини тиклаш. Ўтиш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 42-43 бетлар.

даврида кишиларнинг кайфиятини ҳисобга олиш, дастлабки пайтларда ўтган даврдан қолган муайян ижобий тажрибадан самарали фойдаланишини унумаслик керак бўлади.¹

3. Узбекистон Республикаси ички сиёсатининг негизи - инсон манфаатлари қаратилган меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий начор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиласиган бозор иқтисодиётини қуришdir. Лекин шуни таъкидлаш керакки, бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, инсонлар фаровонлигини сифат жиҳатдан тубдан юқори даражага кўтариш услуби ва воситасидир. Бозорга эришиш учун уни энг кам йўқотишлар билан амалга ошириш, ижтимоий ларзаларга йўл кўймаслик керак.

Узбекистон Республикасининг ички сиёсати ҳам янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлимизнинг умумий тамойилларидан ҳамда республикага хос хусусиятлардан келиб чиққандир.

Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устивор йўналишлари ҳам, ижтимоий ҳимоя тадбирлари ҳам ўзгариб боради. "Ислоҳотларнинг тури босқимиға, - дейди И.А.Каримов, - ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидлари мос келади".² Ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши - кам даромадли табақаларга, қийин аҳволга тушиб қолгандарга амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Нархларнинг ўсиши муносабати билан иш ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида жамгармалар, шаҳар ва туманларда меҳнат биржаларининг ташкил қилинши мухимdir. Ижтимоий соҳанинг энг мухим тармоқлари ҳисобланувчи соглиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва маданиятнинг моддий базасини кўллаб-куватлаш ҳамда мустаҳкамлашга эътибор берилади.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг дастлабки босқимида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига кўйган барча вазифаларни тўла-тўқис бажарди. Шу муносабат билан кейинги пайтда ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари энди бутун аҳолига эмас, балки фақат шундай ҳимояга муҳтоҷ бўлган кишиларга нисбатан кўлланилиши лозим деб топилди. Бутун тизимни бир текисчилек, тайёрлик кайфиятини тугатишга қаратиш зарур бўлиб қолди. Олдин ижтимоий ҳимоялашнинг асосий субъекти давлат бўлиб, у даромадларнинг бир қисмини марказлаштирилган тартибда ижтимоий эҳтиёжлар учун қайта тақсимлаб келган эди. Бозорга иқтисодиётига юриб борган сари меҳнаткашларнинг ўзларига ва хўжалик юритувчи субъектларга кўпроқ

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 11-14 бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 17-бет.

иқтисодий эркинлик берилши билан, давлат ижтимоий муҳофазага доир ваколатларни мүқобил тузилмаларга топшириши керак бўлиб қолди. Шундай қилиб, ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотлари ("Наврӯз", "Маҳалла", "Мехр-шафқат" ва бошқалар)нинг ҳам, турли ҳайрия жамғармаларининг ҳам асосий вазифаси бўлиб қолди.

Ислоҳотлар чуқурлашиб борар экан, юқорида таъкидлаб ўтгани-миздек, меҳнатга яроқли аҳолининг бокимандалик руҳиятини ўзгартириш улкан аҳамият касб этади. Бу гуруҳга киравчиларни давлатнинг ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланувчилардан ўз тақдирни учун ўзи курашувчиларга, ўзининг ижтимоий фаровонлиги учун ўзи масъул бўлган кишиларга айлантириш лозим бўлади. Аҳолининг меҳнат фаoliyatiini кучайтириш ҳисобига уни якка тартибда ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари тўла ишга солиниши керак бўлди.

Шуни алоҳида кўрсатиш керакки, самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгаришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан кўшиб, ўйгунаштириб амалга оширилсанана ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо қилиш мумкин.¹

11-мавзу. Бозор иқтисодиёти тизимини босқичма-босқич шакллантириш. Биринчи босқичнинг якунлари ва сабоқлари

4 соатли маъруза

I-маърузанинг режаси:

1. Ислоҳотлар стратегиясини белгилаш ва ҳуқуқий негизини яратиш.
2. Кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш.

1. Тамойилга амал қилиш асосий босқичларни аниқлаб олиш, ажратиш, уларнинг ҳар бири учун муайян мақсадларни белгилаб олиш имконини беради. Ислоҳотлар муваффақиятларининг гарови уларнинг босқичларга бўлиннишидадир.

"Эркин бозор иқтисодиётига зга бўлган демократик жамият барпо этишдан иборат пировард мақсад,- деб уқтиради И.А.Каримов,- унга олиб борувчи ҳар бир босқинда ўз ифодасини топмоги керак. Ҳар бир босқични шакллантириш мақсадлар ўйгунилигини ва уларга эришишин таъминлаши зарур".² Ҳар бир босқич учун аниқ вазифалар, уларни ҳал

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 80-83 бетлар.

² Ўша жойда, 83-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 13-бет.

қилишнинг пухта ишлаб чиқилган механизмигина мақсадга эришишни таъминлайди. Бу ҳол олдинда турган вазифаларни бажаришга куч ва ресурсларни жалб қилиш, энг муҳим устиворликларни аниқлаш, уларни бутун ислоҳотлар жараёнига бўйсундириш имконини беради. Бир босқични якунлагач, зарур бўлган шарт-шароитни яратиш ва янги босқичга ўтиш мумкин.

Бутун ислоҳотлар жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни аниқлаб олишдир. Умумий стратегияни аниқлаб олмай туриб, пиравард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислоҳотларнинг самарали чораларни белгилаш мумкин эмас. Ижтимоий-иқтисодий қайта қуришнинг пиравард мақсадини аниқлаб олиш ислоҳ қилишнинг (ҳозирги стратегиянинг) бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасининг стратегик мақсадлари сифатида қўйидагилар илгари сурилган:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, жўшқин ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликларнинг ортишини, кишиларнинг ҳаёт-фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулқдан узоқлашишини йўқотиш, ташаббус ва уддабуронлик асоси бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимояланиши.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик услубини тугатиш, иқтисодий рагбатлантиришнинг воситалари ва манфаатларидан кенг фойдаланиш.

4. Моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар йашлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшила бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, ҳар бир инсонга ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклини мустақил белгилаш имконини бериш.

Стратегик мақсадларни изчиллик билан амалга ошириб бориш ислоҳотларнинг биринчи босқичидаги асосий устивор йўналишларни аниқ ажратиб олиш зарурятини келтириб чиқаради. Айни пайтда ғоят кескин муаммоларни қисқа фурсатда ҳал этишга ёрдам берадиган асосий бўғинларни топиш муҳимдир. Ислоҳотларнинг ўта муҳим устивор йўналишларидан бири - ўтиш жараёнининг ҳукуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний ҳукуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат-хуқуқ томонидан мустаҳкамлашнинг мукаммал, илгор тизими шаклланди. Бозор иқтисодиётининг Ўзбекистонда қайта тикланған мухим, хуқуқий ҳолати - бу мулкчилик хуқуқи, унинг шаклларининг турли-туманлигидир. Бу хуқуқ Конституцияда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.¹ Иқтисодий ислоҳотларнинг хуқуқий негизини яратиш бир неча йўналиш бўйича амалга оширилади.

Биринчи - давлат мустақиллигининг хуқуқий негизини яратиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига асос бўладиган меъёрлар, давлат бошқарувини тартибга солиш тамойилларини белгиловчи қонунларнинг қабул қилиниши.

Биринчи йўналиш доирасига кирувчи қонунлар:

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўгрисида”, “Табиий бойликлар тўгрисидаги”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўгрисида”, “Жойларда давлат ҳокимияти тўгрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўгрисида” ва бошқалар.

Иккинчи - сифат жиҳатдан янги бўлган мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар мажмуи. Хуқуқий негиз бўлиб хизмат қилувчи бундай қонунлар қаторига мулкчилик, ер, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, давлат уй-жой фонdlарини хусусийлаштириш тўгрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Учинчи - хўжалик юритишнинг янги механизmlарини яратиш ва институционал ўзгаришларга қаратилган. Улар жумласига корхоналар, кооперация, деҳқон хўжалиги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўгрисидаги қонунлар киради.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш ва тартибга солишга қаратилган қонунлар ҳамда меъёрлар юзага келди. Уларнинг асосий ҳолатлари банклар ва банк фаолияти тўгрисида, пул тизими тўгрисида, тадбиркорлик тўгрисида, сугурta тўгрисида, биржалар ва биржа фаолияти тўгрисида, аудиторлик фаолияти тўгрисида, қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржалари тўгрисида, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ишлаш механизми тўгрисида, ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўгрисида ва шу каби бошқа қонунларда қабул қилинган.

Тўртиччи - Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар субъекти сифатида хуқуқий меъёрлари ташқи иқтисодий фаолият, Ўзбекистоннинг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги, валюта тартиботи тўгрисидаги, эркин иқтисодий зоналар тўгрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 18-19 бетлар.

Башинни - инсоннинг конституциявий ва юридик ҳукукларини, аҳолини ижтимоий кафолатловчи ва ижтимоий қўллаб-куватлашни таъминловчи қонунчиликнинг шаклланиши ҳисобланади. Бу йўналишга хос бўлган - бандлик, нигиронларми ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларни давлат нафақаси билан таъминлаш, таълим, ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг асослари, виқдан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг кўрсатиб ўтилган Қонун ва Фармонларида давлат амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар амалиётининг тамойилларида ўтиш даврининг мустаҳкам ҳукукий негизи яратилган.

2. Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришларнинг асоси - бу мулкчилик ҳукуқидир. Республикада мулкдорнинг ҳукуки тан олинида ва қонун билан қўриқланади. Республика Конституциясида Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган.¹

“Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси мулкнинг барча шакллари тенг ҳукуклилигини ва ҳукукий ҳимоя қилинишини кафолатлади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда хусусий секторнинг, тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб келган юридик ва ташкилий тўсиқларнинг барчаси олиб ташланди. Давлатга қарашли бўлмаган секторни вужудга келтириш кўпроқ давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига амалга оширилди. Чунки иқтисодий эркинлик ва иқтисодий жиҳатдан эркин, ўз мулкини самарали тасарруф этиш ва ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина бутун мамлакатни бойитишига қодир бўлади.

Ислоҳотлар биринчи босқинининг гоят муҳим вазифасини амалга ошириш, яъни давлат мулки яккаҳокимлигини тугатиш ва бу мулкини хусусийлаштириш ҳисобига Республикада кўп укладли иқтисодиёт реал шакллантирилди. Лекин кўп укладли иқтисодиётни барпо этишга ўзига хос, принципиал ёндошилди. Авало чек воситасида хусусийлаштиришдан воз кечилди. И.А.Каримовнинг фикрига кўра, давлатнинг мол мулки фақат янги мулкдорга сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилиши мумкин.²

Хусусийлаштириш маҳсус дастурлар асосида, босқичма-босқич амалга оширилади. Натижада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлади (4-жадвалга қаранг).

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси... 18-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 48-бет.

Мулк шакллари

Республикада кўп укладли иқтисодиёт нималар эвазига шаклланади?

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш.
2. Янги давлатга қарашы бүлмаган юридик шахсларни ташкил килиш.
3. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш.

Шундай қилиб, бosh ислоҳотчи бўлган давлатнинг фаол ислоҳотчилик сийёсати Ўзбекистонда мулкнинг турли шаклларини юзага келтирди.

2-маърузани режаси:

1. Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш.
2. Ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари.
1. Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят мухим бўгини бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар-

нинг ўзаро жонс таъсирини таъминлайди.¹ Эркин нарх белгилаш механизми ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини энг мақбул даражада уйғулаштириш имконини беради.

Нархларни эркинлаштиришга аста-секин, босқичма-босқич, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан аниқлаб олинган тадбир асосида киришилди. Бундай ёндошув корхоналар ва аҳолининг янги вазиятда ларзаларга учрамасдан мослашиб олиш имконини берди.

1991-1994 йилларда барча турдаги маҳсулотларнинг олдиндан белгилаб қўйилган нархлардан воз кечилиб эркин нархларга ўтилди, ҳамма истеъмол товарларининг нархлари устидан тўғридан-тўғри давлат назорати батамом йўқотилди.

1992 йил 10 январдаги "Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат қарорига мувофиқ, иякимоий ҳимоялашнинг чораларини унутмаган ҳолда, Ўзбекистон кенг даражадаги техника воситалари ишлаб чиқариш маҳсулотлари, айрим турдаги ҳалқ истеъмоли товарлари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтди. Лекин чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди. Шунингдек, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори таърифлари жорий этилди. 1993 йилдаги нархларни эркинлаштиришнинг хусусияти шундан иборат бўлдики, бу босқинда келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тўхтатилди.

1994 йилнинг октябр-ноябр ойларида ҳалқ истеъмоли маҳсулотларининг асосий турларига нархлар эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Ноң ва уннинг нархлари, уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда шаҳар умумий транспорт хизматининг тарифларигагина қисман давлат дотацияси бериладиган бўлди. Шундай қилиб, 1995 йилдан Ўзбекистон бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотларнинг биринчи босқини тўла ишга тушди.

Иқтисодиётда рақобатчилик мұхитини вужудга келтириш сиёсатини ҳам ҳукумат аниқ мақсад билан олиб борди. Ана шу мақсадда 1992 йил августда Ўзбекистон Республикасининг "Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида"ги Конуни кучга киритилди ва уннинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум ҳужокатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шу йўлда Молия Вазирлиги таркибида Антимонополь ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш Бош бошқармаси тузилиб, унга монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 88-бет.

рентабелликни тартибга солмай туриш ҳуқуқи берилди ва 1625 гуруҳдаги товарлар хили бўйича 658 коржона монополиячилар рўйхатига киритилди.¹

Бозорга ўтишдан аввал бозор инфраструктурасини яратиш зарур. Молия, банк-кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳам қилиш, сугурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари, компанияларнинг ягона тизимини яратиш керак.

Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган собиқ ташкилотлар ҳам тугатилди. Уларнинг ўрнига товар бозорини шакллантириши зарур бўлган муассасалар тизими яратилди. Республика товар-хом ашё биржаси гуркираб ривожланди. Товар ресурсларини тақсимлаш биржа тизимининг вужудга келиши кўплаб тадбиркорлик бўгинлари - брокерлар ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Капитал бозорининг шаклланишини таъминловчи тузилмалар ташкил этилди. Молия ва пул-кредитни тартибга солувчи мутлақо янги тизим яратилди.

1994 йилдан бошлаб кредит ресурсларининг бозори фаол ишлай бошлади. Кредитларнинг танлов асосида тақсимланиши молия бозорини вужудга келтирди. Ҳиссадорлик асосида иш олиб борувчи 40 дан ортиқ нодавлат сугурта компанияси тузилди - сугурталаш жараёни бошланди. Мехнат биржаси ташкил этилиб, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тизими йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг биринчи босқичи натижасида ички ва ташки бозорни тартибга солишини таъминловчи бозор инфраструктурасининг асосий қирралари яратилди.²

4. Бошлангич босқичнинг ҳар бир аниқ даврига мослаб, ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими яратилди. Бу мақсадга эришиш учун давлат йўли билан бошқаришнинг кўплаб усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, миқдори мунтазам ўзгариб турадиган иш ҳақи, пэнсиялар, стипендиялар, турли нафакалар, компенсация тарзидаги пул тўловлари, имтиёзлар ва тўрли дотациялар тарзидаги тўловлар кенг кўлланилди.

Биринчи босқич давомида ижтимоий ҳимоялаш харажатлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди. Бу босқичнинг охирига бориб, меъёрланган маҳсулотларни эркин нархларга ўtkазилиши таъминотни ёмонлаштирмасдан, "эсанкирашларсиз" амалга оширилди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 89-96 бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 98-102 бетлар.

Кўрилган тадбир-чоралар туфайли, биринчи босқичда ижтимоий жиҳатдан ишор табақалар қашшоқлашуvinинг олди олинди, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш имкони туғилди. Лекин ўз нарабатида, ижтимоий ҳимоялашнинг самараси етарли эмаслиги маълум бўлди. Кам даромадилар ҳам, ўзига тўқлар ҳам баббаробар ёрдам ола бошладилар. Меъёри чекланган маҳсулотларни олишда кам муҳтоҷ бўлганлар ундан анча кўп фойдаландилар. Ёрдамнинг бу шакли аҳолининг муайян қатламларини назарда тутмаганилиги боис, анъанавий бақимандалик кайфиятини бутунлай ўзгартиришга тўғри келди. (Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга халақит берадиган нарса ҳам шу эди). Ижтимоий сиёсатни сифат жиҳатдан кучайтиришнинг янги босқичи объектив зарурат бўлиб қолди.

1994 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилиб, ўрнига янги, илгор тизим шаклланди, унинг моҳияти - болалар ва кам даромадли оиласлар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолдилар. Энди ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар оила орқали етказиб бериладиган, ўз-ўзини бошқариш воситаси - маҳалла орқали энг муҳтоҷлар туркуми аниқланиб, ёрдам миқдори маҳалла аҳли йигинида белгиланадиган бўлди.¹

12-мавзу. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари

4 соатли маъруза

І-маърузанинг режаси:

1. Хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, рақобатчилик - муҳитини шакллантириш.
2. Макрониқтисодий барқарорликка эришиш.
1. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида хусусийлаштириш орқали камидаги икки вазифа бажарилди: 1- мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорлик учун уларга кенг имконият яратиш; 2- кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш.

Хусусийлаштириш жараённида фақат мулкчилик шаклларигина ўзгариб қолмай, эски тизимдан қолган монополияларга ҳам барҳам берилади. Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шароит яратилади. Жараённи янада чуқурлаштириш бир қатор асосий йўналишларда боради:

¹ Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 120-138 бетлар.

Биринчидан, - бу босқында ҳам хусусийлаштириш махсус ишлаб чиқилган тармоқ ва минтақавий дастур асосида амалга оширилади. Иккинчи босқында - ёқилғи, энергетика, кон саноати, машинасозлик ва пактани қайта ишлаш комплексларида хусусийлаштириш көнг түс олади. Транспорт корхоналари, воситалари хусусий мулк сифатида, Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларидағы саёжатчиларга хизмат күрсатыш комплекслари эса сотиш орқали хусусийлаштирилади.

Иккинчидан, хусусийлаштириш бүйіча барча ишларнинг маркази тармоқ, республика даражасыдан ҳудудий даражага күчирілади.

Учинчидан, йирик ва ўрта корхоналарни көнг күламда ҳиссадорликка ўтказыш, уларнинг негизида очиқ ҳиссадорлик жамиятлари тузиш, хусусийлаштиришнинг асосий йұналиши бўлиб қолади.

Тўртнчидан, дәхқон хўжаликларини керагыча ташкил қилиш ва уларни барқарор ишлашлари учун шарт-шаройт яратыш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун дәхқон хўжаликларини ривожлантиришининг давлат инвестицияси дастури талаб қилинади. Мазкур дастурда хорижий инвесторларнинг жараёнга қатнашиши, ерни дәхқонга умрбод фойдаланиш учун бериш керағылги кўрсатилган бўлади. Ер бозорини ташкил қилиб, ер участкаларини ким ошди савдолари ва танловлар йўли билан оммавий сотиш зарурият бўлиб қолади.

2. Иқтисодиётни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуният ва муқаррар жараёндир. Бу йўлда ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасида мувофиқлик бўлишига иқтисодий қонунлар орқали эришилади.

Барқарорлик дастурини ишлаб чиқишида танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг қай ҳолатдалигини ифодаловчи мезон бўлиб хизмат қилувчи кўрсаткичларни яхшилашга, шунингдек, мамлакатни танглика олиб келган ичкى сабабларни чуқур ўрганиш, бартараф этиш тадбирларини фаол амалга ошириш беҳад муҳимдир.

Барқарорлаштириш сиёсати - бу, аввало макроиқтисодиёт (иктисодиётни бир бутунликда олиб қараш)да мувозанатни саклаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл кўймаслиkdir.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади - бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ичкى ва ташки мувозанатсизликдан четлаб ўтиш, зарур бўлган тақдирда уни тўғрилашдан иборат.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда принципиал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи бир неча хил ёндошувлар мавжуд. Улардан учтасига алоҳида тўхталиш мумкин:

Биринчиси - монетар ёндошув деб аталиб, чуқур иқтисодий ўзгарышларни таъминламайди.

Иккинчи - ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга, иқтисодиётда номутаносибликка барҳам беришга асосланган ёндошув. Бунда бир меъерда молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади ва у товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклашга оид тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

Учинчи - Ўзбекистоннинг ёндошуви. Бунга иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг фақат ишлаб чиқарувчиларга, моддий бойликларни яратаетгандарга таянган ҳолда эришилади.¹

2-маърузанинг режаси:

1. Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш -- иқтисодий ислоҳотларнинг асосий шарти сифатида.

2. Ижтимоний йўналишни кучайтириш муҳим вазифадир.

3. Чуқурлашиб бораётган ислоҳотларнинг якунлари.

1. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида - республика иқтисодиётининг таркибий тузилишида кескин ўзгаришларга асос солиниши, тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш вазифалари қўйилади. Бундай сиёсат Ўзбекистоннинг бутунлай янги халқ хўжалик комплексини барпо этишга қаратилди.

Максадга эришиш учун иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркиби, экспорт ва импорт таркибини қайта қуриш талаб қилинди. Шунингдек, биринчи навбатда энг муҳим макроиктисодий ва тâkror ишлаб чиқариш нисбатларини жиддий тарзда тартибга солиш зарур бўлди.

Республика ўз кучларига таянишига мажбурулиги, энг аввало муҳим ўзак тармоқлар - нефт ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, коммуникация ва инфраструктура тизимини ривожлантиришни талаб қила бошлади. Бутун кимё комплексини тубдан қайта қуриш, уни техника билан таъминлаш муҳим бўлди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, технологик мавқеига эришиши учун фан ва техника ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган саноат тармоқларини ривожлантириш ҳам муҳим стратегик вазифадир. Машинасозлик, радиоэлектроника, электротехника соҳалари шулар жумласидан ҳисобланади.

¹ Кимов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 197-198 бетлар.

Иккинчи босқичда структуравий-сиёсатнинг энг муҳим устивор йўналишлари, қишлоқ хўжалиги, умуман агросаноат комплексида чукур прогрессив сиљишишларга эришиш. Зоналар ихтисослашуви талабига мувофиқ эркин майдонларй таркибини энг мақбул ҳолатга келтириш йўли билан бу сиёсатни амалга ошириш мумкин. Ўзак тармоқлар қатоriga пахта билан барча галлачиллик ва картошкачилик кабилар киритилади. Қишлоқ хўжалигини энг муҳим йўналишларидан бири - ернинг унумдорлигини оширишдир.

Инфраструктура, айниқса ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқларини бутун чоралар билан кувватлаш кўзда тутилади. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат соғлиқни саклаш, ҳалқ таълими ва маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга бориб тақалади.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чукурлаштириш - ислоҳотлар стратегиясининг муҳим шарти бўлиб, ҳам ички сармояларнинг, ҳам ташки инвестицияларнинг барча манбаларини ишга солиш талаб қилинади. Айниқса сармоя сарфлашдан ундириладиган солиқлардан рагбатлантирувчи механизм сифатида фойдаланиш муҳим йўналишдир.

Энг асосий вазифа - шундай структурани яратиш керакки, у барча ресурсларни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берсин.¹

2. Ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар ҳалққа нима бериши билан баҳоланади? Кучли ижтимоий сиёсат одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан чегарааланиб қолмай, балки унумли меҳнат қилиш, яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратиш, иқтисодий фаолият учун кафолатли ҳукуқни қарор топтириш, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдир. Шу сабабли, иккинчи босқичда энг муҳим вазифа, ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижтимоий фаоллик кўрсатиш имкониятларини намоён қилиши учун шарт-шароит яратиш ва, шунингдек, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини фаровонлик учун масъуллиги билан кўшиб олиб боришига асосланган иқтисодий муносабатларни шаклллантириш зарур бўлди.

Бу босқичда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш муҳим ва ўткир муаммолардан бўлиб қолаверар экан, уларни ҳал қилиш иш жойлари пайдо қилиш, ишсизларни қайта ўқитиш, касб-хунарга ўргатиш, уларни ижтимоий ҳимояланишнинг давлат томонидан кафолатланиши билан боғлиқдир.

Ислоҳотларнинг тақдиди маънавий юксак кучга боғлиқ. Бунинг учун умумий таълим мактабларини, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш, ўкув дастурларини янгилаш, замонавий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 246-265 бетлар.

дарсликлар ва маҳсус адабиётларни чиқаришни йўлга кўйиш керак. Ўқитувчи ва муаллимларнинг обрў-эътиборини тиклаш, таълим ва тарбиян эътиборли ва етарли ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш мухим бўлиб қолмоқда.

Республикада бундан бўён ҳам миллий белгига қараб фарқлашга йўл кўйилмайди. Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни сақлаш, мустаҳкамлашга интилиш зарур экан, бу борада бундан кейин ҳам ўзбек халқига хос фазилатларнинг энг асосийси байналминаллик бўлади.¹

3. Чукурлашиб бораётган ислоҳотларнинг дастлабки якунлари иқтисодий ўсиш жадал суръатлар билан бормоқда. Уни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, пулнинг қадрсизланиши пасайди, инфляция жиловлами.

Иккинчидан, миллий валюта мустаҳкамланди.

Учинчидан, хусусийлаштириш жараёни чукурлашди. Агар 1994 йили жами корхоналарнинг 57,7 фоизи нодавлат секторда бўлган бўлса, бу кўрсаткин 1996 йилнинг ярмига келганда 82,7 фоизга етди. Бу вақтга келиб саноат маҳсулотларининг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизи, чакана товар оборотининг 94 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.

Тўртинчидан, мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди. Асакадаги “ЎзавтоДЭУ”нинг ишга туширилиши саноат сиёсатида бурилиш ясади.

Бешинчидан, республикада бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантиришда сезиларли сиљкиш рўй берди.

Олтинчидан, асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилди. Шу маънода Ўзбекистон учун 1996 йил кескин бурилиш йили бўлди. Биринчи бор ички маҳсулотларнинг пасайишига барҳам берилиб, унинг 101,4 фоизга ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулотларининг ўсиши 105 фоизга етди. Барча вилоятларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши таъминланди.

1996 йилга келганда аввалги 1995 йилнинг шу даври, яъни ярмига нисбатан галла 100 минг тонна, бугдой эса 200 минг тонна кўп етиштирилди. Республика капитал маблагларининг ҳажми 4,4 фоизга кўпайди. Буларнинг барчаси келгуси юксалиш учун мустаҳкам моддий, молиявий ва институционал база яратилганинидан, инвестициялаш жараёни фаоллашганидан далолатдир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995, 248-265 бетлар.

Еттимидан, ижобий силжишлар юқтимоий соҳада ҳам тоз берди. Бу даврга келиб, аҳолининг фаровон яшами умун салбий таъсир этувчи омиллар йўқолди, аҳолининг турмуш даражасини оширувчи тегишли шарт-шароитлар ва ишончли кафолатлар яратувчи барқарорлик омиллари кучга кира бошлади. 1996 йил ярмига келганда аввалги йилга нисбатан аҳолининг реал даромади 16 фоизга ошиди.

Аҳолининг 1991 йилдан кейин қадрнни йўқотган омонатларини индекциация қилиш мухим тадбир бўлди. Ижтимоий адолат тикланди. Энг мухими, ўтиказилаётган ислоҳотларнинг ҳалқ оммаси ҳаётига, турмуш тарзига ижобий таъсири борган сари сезила бошланди.¹

Мустақиллик йилларида иқтисодиёт соҳасида теран ўзгаришлар рўй берди. Бу соҳадаги асосий якунларга қисқароқ тўхталиш мумкин:

- иқтисодий муносабатларда, айниқса мулк масалаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш дастурини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ҳақиқий кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилди, нодавлат сектор мустақамланди ва у иқтисодиётимизда фаол рол ўйнай бошлади;

- хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усули, режали бошқариш ва тақсимлашнинг ўта марказлашган тизимига барҳам берилиди, иқтисодий рағбатлантиришга, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ва рақобат тамойилларига асосланган бозор механизmlари тобора кенг жорий этила борди;

- бозор инфраструктураси умуман шакллантирилди, янги банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар-хом ашё биржалари, сугурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмалари тармоғи барпо этилди, қимматли қофозлар бозори фаолияти кучайтирилди;

- ўзимизнинг миллий пул тизимимиз яратилди, сўм мамлакатимизда ягона тўлов воситаси бўлиб қолди. Миллий сўмимиз бу вақтга келиб, барқарор, жорий операцияларда эркин алмашиниш кувватига эга бўлган пул бирлигига айланди;

- иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, инфляция даражаси кескин пасайди, ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва биринчи навбатда чет эл сармоясини жалб этиш асосида инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари белгиланди.

1996 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор юксалиши ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши кўзга ташланди.

¹ Каримов И.А. 1996 йил 25 июлда Вазирлар Маҳкамасида 1996 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётни ривожлантириш якунлари ҳамда ислоҳотларнинг бориши ҳақидаги нутқи // "Ҳалқ сўзи" газетаси, 1996 йил, 26 июл.

- иқтисодиётнинг тузилма жиҳатидан янгиланиши таъминлана бориб, республиканинг ёнилги-энергия мустақиллигига эришилди, ўзимизнинг ташки бозорда рақобат қилишга қодир бўлган тайёр маҳсулотимиз улуши ошди, саноат ва қишлоқ хўжалигининг бутунлай янги - автомобилсозлик, микробиология, галлачилик соҳалари барпо этилди. Импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларнинг 500 дан ортиқ хили ўзлаштирилди, хорижий сармоядорлар иштироқида иқтисодиётимиз тузилмасини тубдан ўзгартирадиган йирик сармоя лойиҳалари муваффақият билан амалга ошириб борилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим якунларидан яна бири - аксарият юртдошларимизда мулкка згалик, мулкдорлик туйгусининг ўйгониши ва ривожланиш жараёни, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона эгаларининг, мулкнинг, ер участкаларининг, акцияларнинг, бошқа қимматли қоғозларнинг, хуллас, දаромад келтирадиган мулкнинг шакллашидидир.¹

Шундай қилиб, иқтисодий ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштириш учун мустаҳкам моддий ва социал база яратилди, иқтисодий жонланиш ва юксалишда фаол инвестиция фаолияти кўзга ташланмоқда. Ислоҳотлар узлуксиз жараён бўлиб, улар амалга оша боргани сари иқтисодий муносабатлар такомиллашиб, мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакллари ўртасидаги муносабатлар ўзгариб бораверади, иқтисодиётни ва хўжалик соҳаларини бошқаришининг кўринишлари ўзгариб, бозор муносабатларига хос янгилари пайдо бўлади.

13-мавзу. Миллий тикланиш мафкураси ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Мафкура тушунчаси, унинг мазмуни, хусусиятлари ва негизлари.
 2. Ўзбекистонда миллий истиқолол мафкурасига бўлган объектив эктиёклар, унинг вужудга келишидаги шарт-шароитлар.
 3. Ўзбекистонда миллий истиқолол мафкурасининг ўзига хос томонлари ва унинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти.
1. Мафкура - бу муддиян бир гояллар тизимиdir. Ўз навбатида гоя - бу бирор иш, ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй, ният ва мақсадларни

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқинда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришининг муҳим вазифалари // "Халиқ сўзи" газетаси, 1996 йил, 30 августант.

ўзида ифода этадиган, билдирадиган сўзидир.¹ Мафкура муайян бир гоялар тизими бўлиб кишиларнинг, жамиятнинг воқеаликка бўлган онгли, муайян бир мақсадни кўзламган, изчил муносабатларини ўзида ифода этди. Унинг асосий вҳдамияти ва қиммати ҳам ана шундадир.

Бизда узоқ йиллар мобайнида, аниқроги, шўролар тузуми даврида бир мафкуранинг якка ҳукмронлиги натијасида "мафкура" сўзига, иборасига нисбатан уни ёмон кўриш, ёқтираслик, ҳамма иллатларнинг асосий сабабчиси деб билиш муносабатлари шакллана борди. Шунинг учун ҳам 80-йилларнинг охирлари ва 90-йилларнинг бошларида ҳар қандай мафкурани рад қилиш кайфиятлари қарор топа бошлади.² Лекин бундай вазият узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Чунки мафкурасиз, яъни гоялар тизимисиз умуман ижтимоий ҳаётнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Зоро, бирор бир фикр, ўй, ният ва мақсадларсиз инсон яшай олмайди, яшамаган ҳам. Гал бу ерда қандай мақсад, қандай фикр, ўй, ният эканлигидадир. Биз фақат революцион тұтаришлар, зўравонниклар билан боғлиқ мафкурадан, яъни марксча-ленинча гоялар ҳукмронлигидан юз ўғирдик. Шунингдек, бир мафкурага давлат мақомини бериш каби иллатни рад этдик.

Мафкура ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим шарти бўлиши билан бирга, у ана шу ижтимоий ҳаётни янада ривожлантиришига ёки бўлмаса, аксинча, уни нисбатан орқада қолишига, турмуш шароитлари талабга жавоб бермасликларига фаол таъсир кўрсатишлари мумкин. Бу вазият мафкурага нисбатан жиддий муносабатларни талаб қиласди. Одатда мафкурани яратиш ва ривожлантириш масалалари билан сиёсий арбоблар, файласуф олимлар, ёзувчи ва адабиётчилар, умуман зиёлилар шугулланади.

Кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб, инсонлар ўзларининг яашаш шароитларини яхшилашга, уни адолат қонидалари асосида ташкил қилишга интилганлар. Бунинг йўллари, усуслари излаб келинган. Улар ўзларининг бу уринишларини муайян гоялар орқали ифода этишга интилишган. Шунинг учун ҳам мафкурага эҳтиёж вужудга келган ва у яратилган. Шунингдек, ҳар бир тарихий шароит, ҳар бир халқнинг ўзига хос мафкураси бўлади. Мафкура ҳар бир тарихий шарт-шароитларнинг ўзига хос томонларини ифода этиши билан бирга, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллийлигини ҳам инъикос этади.

2. Ўзининг тарихида биринчи маротаба ҳуқуқий давлат, адолатпарвар, демократик жамият барпо қилаётган ўзбек халқи ўзининг ана шу улуғ ният ва мақсадларини, буюк орзу ва умидларини, ҳаракат дастури-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II-жилд. Москва, Русский язык, 1981, 663-бет.

² Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 10-12 бетлар.

ни муайян мафкура орқали ёрқин ва тъсирчан ифода этиши лозимdir. Ҳозирги даврнинг асосий мафкурасига бўлган эҳтиёж ана шу вазият билан белгиланади. Қолаверса, бу буюк орзу ва умидлар, улуг ният ва мақсадларимиз мустақилликнинг шарофатидир. Демак, мафкурамиз ҳам миллий истиқтол, миллий тикланиш мафкураси деб аталади. Зоро, ўзбек ҳалқи демократик жамият барпо қилиш орқали ўз қаддини ростлашга, ўзини англашга интилади, ўзи учун муносиб турмуш шароити бунёд этади. Ўзбекистонда миллий истиқтол мафкурасининг шаклланиши ўта мураккаб, зиддиятларга тўла даврга тўғри келди. Умуман бир мафкурадан иккинчи мафкурага ўтиш дарров, қисқа давр ичida амалга ошмайди. Бу жараён алоҳида эътиборни, кўпчилик фуқаролардан, айниқса сиёсий арбоблар, файласуфлар, умуман зиёлилардан таҳлилийлик ва жонбозликни талаб қиласди.

Миллий мафкурани ёритиш зарурияти билан боғлиқ фикр биринчи бор Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан 1993 йилнинг 23 апрелида унинг республиканинг бир гурӯҳ адиллари билан учрашуvida илгари сурилди. Орадан кўп ўтмасдан Мамлакат Олий Кенгаши XII-сессиясида (1993 йил 6 май) маънавиятсиз ҳеч қандай ижтимоий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмаслигини, олдимиизда турган энг муҳим масала, - бу миллий истиқтол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётимизга татбиқ этиш эканлиги алоҳида таъкидланди. И.А.Каримов ушбу анъу-манда “Миллий истиқтол мафкураси ҳалқимизнинг азалий анъаналари-га, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйгуларини онги-мизга сингдириши лозим”¹ - деган гояни, кўрсатмани билдириди. “Шу билан бирга бу мафкура, - дейди И.А.Каримов, - ҳалқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суюнган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асос-ланиб, жаҳон ҳамъиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ, муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тар-бияламоги керак”².

Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантана-ли йигилишда (1993 йил 7 декабр) И.А.Каримов бу масала устида яна бир бор чуқур ва атрофлича тўхталиб, куйидаги муҳим фикрларни бил-дирган эди: “... мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда татбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимиизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 168-бет.

² Қаранг: Ўша жойда.

Янги мафкуранинг асл мазмуни - янгина, эркин фикрлайдиган, мутълик ва журъатсизлик туйгусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир".¹

З. Бизнинг фикримизча Ўзбекистон халқининг миллий мафкураси азалий анъаналаримиз, удумларимиз, руҳиятимиз билан бирга, илгор илм-фан ютуқларига ҳам асосланган ва дунёвий табиатга эга бўлмоғи лозим. Шунинг учун биргина диний гоялар, ақидалар, қанчалик жозибадор, мафтункор бўлмасин, миллий мафкура бўла олмайди.

Бизнинг энг асосий ва бош ҳужжатда халқимизнинг азалий, ушалмаган орзу-умидлари, армонлари, зэгу ниятлари, олижаноб мақсадлари ўз ифодасини мужассам тарзда топған, уларга элтувчи йўллар белгиланган. Бу йўл - ҳукукуй давлат, демократик жамият, бозор иқтисодиётларини барпо қилиш билан боғлиқ йўллардир.

Ўзбекистон Конституциясида бевосита мафкура масаласи устида ҳам маҳсус тўхталиб ўтилган. Ҳусусан, Конституциянинг 12 моддасида куйидагилар қайд қилинган: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Хеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас"².

Илгари бир неча бор айтиб ўтилганидек, биз кўп partiyaийлик тизимиға асосланган демократик жамият, ҳукукуй давлат бунёд ётмоқдамиз, назарий жиҳатдан бундай шароитларда қайси сиёсий партия умумхалқ сайловларида ютиб чиқса, ўша сиёсий партиянинг ҳаракат дастури, мафкураси жамиятнинг, давлатнинг расмий ўрнатилмаган, аммо муайян (ушбу партия вакиллари ҳокимият идораларига сайланган) давр мобайнида ҳукмрон, таъсирчан мафкура бўлади.

Миллий мафкуранинг яратилиши мураккаб, муайян бир даврларни ўзига жалб қиласидиган жараёндир. Биз ҳозирги кунда миллий мафкурамиз яратилишининг энг бошлангич давларини шоҳиди бўлаяпмиз. Фикримизча, миллий тикланиш мафкураси ватанпарварлик, мустақиллик, миллийлик, адолатпарварлик гоялари ва туйгулари билан сугорилган бўлиши шарт. Шунингдек, миллий тикланиш мафкураси бутун Ўзбекистон халқини ягона буюк мақсади сари бирлаштириш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Кейинги пайтларда сиёсий партиялар, бир гурӯҳ олимлар миллий тикланиш мафкураси борасида изчил иш олиб бормоқдалар ва бу борада бир қанча эътиборга лойиқ рисолаларни чоп этдилар. Кўпчилик изланувчиларнинг фикрларига биноан мафкуранинг

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 201-202 бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 11-бет.

бош вазифаси бутун халқимизни, уларнинг маслаклари, партияларга муносабатлари, миллатларидан қатын назар, ягона мақсад атрофида бирлаштира олиши ва бу йўлда муҳим ижтимоий-сиёсий қадриятларни яратишидадир.

Миллий мафкуранинг ўзига хос томонларидан яна бири - инсоннинг ички руҳий ҳолати билан унинг ташкилий амалий фаолиятлари орасида ўзаро бирликни қарор топтиришидадир. Зоро, мафкура фақат гояларга асосланмай, уни ифода қилмай, ички туйгуларга, руҳий ҳолатларга ҳам асосланади ва уни ифода этади.

Баён этилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келишимиз мумкин: ҳозирги кунда миллий истиқбол мафкурасининг яратилиши, унга бўлган эҳтиёжлар тарихий заруриятдир. Ҳар қандай шароитда, айниқса ўзининг кўлгина зиддиятларига, мурраккаб томонларига эга бўлган ҳозирги шароитда турли миллат ва златларга, маслак ва манфатларга мансуб фуқаролар учун уларни бирлаштира оладиган умумий гоя - мафкура зарур. Ягона, умумий гоялар тизими - мафкура бўлмаса, умумъкамият, давлат, миллат манфаати оёқ ости бўлиши мумкин. Ягона, умумий гоялар тизимининг асосини эса демократик жамият қуришдек олийканоб мақсад, ният ташкил қилиши керак.

Юқорида баён қилинган масалалар, фикрлар юзасидан қуидаги хулосага келиш мумкин:

1. Мафкура кишиларнинг воқеликка нисбатан онгли, изчил, бирон бир муҳим аҳамиятга эга бўлган мақсадли муносабатларини ифода этувчи муайян гоялар тизимиdir.
2. Мафкура кишилий жамияти мавжудлигининг ва тараққиётининг муҳим шарти, омилидир.
3. Ўзбекистон халқи демократик жамият қуриш жараёнида ўзига хос мафкурага эга бўлиши шарт.
4. Собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида мафкура борасида ягона, марксча-ленинча мафкура устунлик қиласар эди. Бу демократияга тамомила зид бўлган жиҳатдир.
5. Ҳар бир тарихий шароитда, ҳар бир мамлакатда - миллийликнинг ўзига хос мафкураси мавжуд бўлади.
6. Ўзбекистон миллий истиқбол мафкурасини яратиш борасида ишлар ўзининг бошланғич даврларини бошидан ўтказаяпти.
7. Мафкурани яратиш борасида зиёлилар фаол иштирок этишларини лозим деб биламиз.

**14-мавзу. Ўзбек ҳалқининг маънавий мероси ва миллий
маданиятининг мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти**

2 соат маъруза

РЕЖА.

1. Маънавият, маънавий мерос тушунчалари ва уларнинг моҳияти.
2. Ўзбек ҳалқи маънавий маданиятининг қадимийлиги ва баркамоллиги.
3. Ҳозирги шароитда маънавият масаласининг долзарблиги.
4. Маънавият ва демократик жамият.

1. Демократик жамият куруқ ерда, ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг ҳуқуқий, иқтисодий, иқтимоий-сиёсий ҳамда маънавий заминлари мавжуд. Олдинги маъруза ва амалий машгулотларда демократик жамиятнинг ҳуқуқий, иқтисодий, иқтимоий-сиёсий шарт-шароитлари, заминлари ҳақида фикр юритилган эди. Бу мавзуда энди маънавият, демократик жамиятнинг маънавий заминлари ҳақидаги баъзи мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Масалани энг аввало “маънавият” атамасининг лугавий ва фалсафий мазмунларини баён қилишдан бошласак тўгрироқ бўлади. “Маънавият” атамаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келганлиги икки жилди “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да кўрсатилган бўлсада, лекин унинг лугавий маъноси баён қилинмаган.¹ Шунингдек, “Ўзбекча-русча лугат”да, “энциклопедик” лугатда ва “Ўзбек Совет энциклопедияси”да ҳам “маънавият” сўзининг мазмунлари баён қилинмаган. Бу вазият мустабид тузум даврида ўзбек ҳалқининг маънавияти билан bogliq масалаларга умуман эътибор берилмаганлигининг энг ёрқин далилидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб республикада “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш борасидаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

1996 йилнинг 4 сентябрида Президент Ислом Каримов Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази раҳбарияти ва бошқаруви аъзоларини қабул қилди ва орадан кўп ўтмай (шу йилнинг 9 сентябрида) “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллатириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фармони имзоланди. Мамлакатимизда амалга оширилган бу муҳим тадбирлар маънавият билан bogliq ишларимизнинг ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда барча вилоят, туман ва шаҳарларда “Маънавият ва маърифат” марказларининг бўлимлари ишлаб турибди. Шундай

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II-жилд, 454-бет.

бўлимлар Олий ўкув юртларида, жумладан, ТошДУда ҳам бор. Нукус ва Термизда "маънавият" академиялари иш бошлаган. Айрим корхона, жамоат ташкилотларида, ҳарбий бўлимларда "Маънавият музейлари", "Маънавият хоналари", "Маънавият синфлари" очишилди. Бу масалада муҳим илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўкув юртларида "Маънавият асослари", мактабларда "Одобнома" дарслари ўтилмоқда. Миллий урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларни тиклаш борасида жойларда жуда кўп ибратли ишлар қилинмоқда. Амалга оширилаётган дастлабки бу ишлар жамиятда рўй берадиган тасодифий ҳол бўлмай, балки демократик жамият куриш билан bogliq энг муҳим, энг зарурий вазифаларнинг биридир. Қолаверса, Ўзбекистон халқи кўпгина бошқа Шарқ халқлари каби ўзининг тарихида маънавият масаласига ҳамма вақт алоҳида зътибор берган ва бу борада ибратли бўлган муҳим ишларни амалга оширган.

2. Шарқ халқлари фалсафаси, ислом ислоҳотчилиги, қараашларида "маънавият" атамаси, сўзи кишиларнинг муайян ички руҳий ҳолатларини, асосан шахс руҳий камолотларини, унинг йўл-йўриклиари ва усулларини ифодалаш учун кўлланилган. Руҳий камолот - бу муайян ички эҳтиёжларни шакллантириш, тарбиялаш ва ривожлантимиш демакдир. Айни замонда, муайян ички руҳий ҳолатлар муайян ички эҳтиёжлар орқалигина намоён бўлади. Ички руҳий эҳтиёжларни қондириш билан bogliq бевосита ҳаракатлар эса ички-руҳий ҳолатларни моддийлаштиради.

Демак, демократик жамиятнинг маънавий асоси - бу ҳар бир шахс ва бутун миллатнинг ички руҳий камолотидир. Руҳий камолот эса - бу инсон томонидан инсонийликни англаш, билиб олиш, идрок этишларга интилишлар билан bogliq муайян ички руҳий эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ривожланиши демакдир. Ички руҳий эҳтиёжлар инсон фаолиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Ҳар бир инсоннинг бу дунёда яшашдан маъноси ва мақсадини билишга, тушуниб етишга интилиши, бу борада дунёвий ва диний сабоқларни эгаллаш учун таълим ва тарбия билан bogliq ҳаракатлари маънавиятнинг асосий негизини ташкил қиласи. Маънавиятнинг маърифат билан узвий bogliqligi ҳам бежиз эмас.

"Маънавият" сўзининг ўзаги маънодир. Демак, "Маънавият" бу яшашнинг моҳияти ва мақсадини билиш, ҳис қилиш, руҳан англаш ва уни сўз орқали ифода этилдир. Ана шу сўзлар орқали жамият, инсон томонидан янги инсонларни яратиш борасидэзги онгли фаолиятлар ҳам маънавиятдир.

Ислом оламида кўп асрлар-мобайнида маънавият билан bogliq фаолиятларда Оллоҳнинг ягоналиги, Муҳаммаднинг, Қуръоннинг муқаддаслиги билан bogliq сўзлар кўлланилган. Ана шу сўзлар орқали ифода этилган гоялар, ақидаларнинг маъносини билиш, англаш маънавият

билан боғланган. Чунончи, яшашнинг мақсади, маъноси Оллоҳни руҳан ҳис этиш, ақл ва қалб билан билиш, англаш, унга қараб ҳаракат қилиш билан узвий боғлиқдир, деб талқин қилинган. Айни замонда ҳар бир мусулмон ўзида яхшилик, инсонпарварлик, эзгулик ва гўзаллик билан боғлиқ ички ҳис-туйгуларни, руҳий ҳолатларни тарбиялаш, шакллантириш орқалигина Оллоҳни қалбан англайди, ақлан билади, шунга мос талпиниб ҳаракат қиласди. Ўзида бундай ҳисларни ривожлантира олган инсонлар буюкликка эришади, яъни Оллоҳ билан қалбан бирлаша олади, деган сўзлар билан ҳаётнинг маъноси тушунирилган.

Зеро, ислом таълимотига биноан, Оллоҳ фақатгина яратувчи, улуг зот бўлмай, айни замонда, энг мукаммалликнинг тимсоли, энг гўзал хулқ эгаси ҳамдир. Демак, бу ерда энг асосий масала инсоннинг инсонийлик фаолияти маъносини тушунириш ва уни шакллантиришдир. Инсонийлик эса инсоннинг руҳий камолотидир.

Маънавият бу инсонларнинг инсонлар билан бўлган муносабатлари масаласидир. Бу инсонлар олдиаги ўзининг инсонийлик бурчини руҳан англаш, ҳис қилиш демақдир. Ҳар бир инсон ўзини миллат, ҳалқ билан бирлигини, ўтган авлодлар руҳига нисбатан бурчини, вазифаларини, ҳозирги ва келажак авлодлар олдиаги масъулиятини иччидан ҳис қиласди, руҳий камолот сари юз тутади. Маънавиятлилик, баъманилик белгилари ҳам шуларда акс этади.

Ислом оламида, хусусан, Ўзбекистон ҳалқларининг маънавият билан боғлиқ кўп асрлик фаолиятларида ислом дини, унинг ғоялари, ақидалари билан бир қаторда, маросимлари ҳам маънавиятни шакллантиришда муҳим бир омил бўлган. Шунинг учун ҳам ислом маросимларига- намоз ўқиш, ҳажга бориш, рўза тутиш, фитр-садақаларга алоҳида зътибор берилган. Демак, бу борада, яъни маънавият масаласида асосий масала фақатгина ислом динини билишгина эмас, балки диний маслак ва маросимлардан қай мақсадлар йўлида фойдаланишдир.

Бизнинг ҳалқимиз ўзининг қадимий бой ва мураккаб шон-шуҳратлар билан бурканган тарихида инсонларни руҳий тарбиялаш, яъни муайян руҳий ички эҳтиёжларни тарбиялаш, вужудга қелтириш орқали комил инсонларни шакллантириш учун интилишларида оламшумул аҳамиятга эга бўлган муҳим тарихий тажрибаларни яратганлар. Бу борада Фаробий фалсафаси, Замахшарий, Беруний, Ибн Сино кабиларнинг илмий мерослари, буюк չаркарда Амир Темурнинг панд-насиҳатлари, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандларнинг тасаввуф билан боғлиқ ғоялари, уларнинг ҳаёт фаолиятлари фикримизнинг ёрқин исботидир. Бу улуг алломалар бутун ислом оламида, мусулмончиликни инсонийлик билан боғлаш борасида шуҳрат қозонгандар, тан олингандар.

3. Ҳозирги давр шароитида маънавият масаласини тушунишда, унинг моҳияти, мақсадини англаш, ҳис қилишда юртбошимиз Ислом Каримов-

нинг асарларини ўрганишни катта аҳамиятга зга деб биламиз. Бу борада "Истиқолол ва маънавият" деб номланган тўплам ҳамда "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида" китоби алоҳида ўрин эгалайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ бессессиясида сўзланган нутқда Ислом Каримов, мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг муҳим ютуқлар қаторига миллий маънавият ва аҳлоқнинг тикланиши учун барча шароитларнинг яратилганлиги, ижтиёмий адолат тамоилиларининг қарор топаётганлиги, жамиятимизнинг асоси - оила моддий ва ижтиёмий жиҳатдан мустаҳкамланаётганлигини қайд қилиб ўтган эди. Демак, бизнинг шароитимизда маънавият йўлидаги энг муҳим масала бу бой меросимизни чукур ўрганиш, ижтиёмий адолатни мустаҳкамлаш, ҳар бир оиласинг моддий ва маънавий мустаҳкам бўлишини таъминлашдир. Бу йўл орқали кишиларда янгина фикрлашни, ҳис-туйгуларни шакллантириш, қисқаси, инсофли, диёнатли инсонни яратишдир. Янгина ҳис-туйгулар, фикр ва дунёқараашлар ўз-ўзидан, бир зумда шаклланмайди. Бунинг учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, айниқса ёшлар, талабалар жонбозлик кўрсатишлари лозим. Демократик жамият қуриш жараённида фаoliyatimizning ҳар бир қирраси, йўналиши жамият, ҳалқ, инсон манфаатлари йўлида хизмат килиш гоялари, ҳис-туйгулари билан узвий боғланган бўлиши лозим. Йўқса, демократик жамиятнинг ўзи ҳам бўлмайди. Инсон моддий жиҳатдан тўла таъминланган бўлиши мумкин. Лекин унда ҳалқ билан бирга бўлиш, ҳалқ учун хизмат қилиш каби ички-рухий хислатлар бўлмаса, аввало, бундайларнинг ўзи озод инсон бўлолмайди. У моддий бойликларнинг қули бўлиб қолади. Маънавият инсон ва жамият манфаатлари, муносиб турмуш шароитлари барпо қилиш йўлида озод, гўзал, кўркам ва комил инсонларни яратиш учун хизмат қиласи. Фақат маънавиятгина инсоннинг етук инсон бўлиб яшашини тўла таъминлади. Маънавиятсиз ҳақиқий инсон бўлмайди. Чунки у яшашининг маъносини билмайди.

4. Тарихий таъкибага кўра ҳар бир мамлакат демократик жамиятни ўз йўли билан қуради.¹ Демократик жамиятнинг ягона тайёр андозаси дунёда йўқ. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бўлган демократик жамият қуриш борасидаги ҳаракатида ана шу мамлакатда яшовчи ҳалқнинг маънавиятини, айниқса, бу борадаги тарихий таъкибаларини ҳисобга олиш зарур. Бусиз демократик жамият барпо этиш мумкин эмас. Ҳар бир фуқаро, бутун миллат демократияни ҳалқ манфаати, мамлакат равнақи йўлини руҳан ҳис қилиши, ўрганиши ва ҳаётга татбиқ қила олиши лозим. Шу нуқтаи назардан демократия маънавият билан чамбарчаси боғлиқдир. Зеро, бирор бир гояни руҳан ҳис қилиш ва уни муайян ҳа-

¹ Қаранг: Азизхўжаев А.А. Демократия - ҳалқ ҳокимияти демактир. Тошкент, 1996, 2-3 бетлар.

ракатлар билан ифода эта билим маънавият билан боғлиқ бўлган. Ҳозирги шароитда демократияни ўзинча, гоҳо бир-биринга зид бўлган тараздада талқин этишлар ҳали ҳам учраб турибди. Қисқаси, маънавийлик билан демократиянинг ўзаро уйгунилигига эришиш, Ўзбекистонда миллат фаровонлиги, мамлакат равнақининг муҳим омилларидан биридир.

Ушбу мавзунинг муҳим хуласалари куйидагилардан иборат:

1. Маънавият тушуңчаликни кишиларнинг ўқобий-инсоний ички руҳий ҳолатлари, фазилатларини тарбиялаш ва ифода этиш учун қўлланилади.

2. Ўзбек ҳалқи ўзининг бой ва қадимий тарихида маънавият бора-сida ибратли ишларни амалга оширган.

3. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида маънавият масаласи алоҳида эътиборга эга бўлмоқда ва ҳозирги кунда бу борада муҳим ишлар қилинди ва қилинмоқда.

4. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир миллатнинг маънавий камолотисиз демократик жамият қуриш мумкин эмас.

5. Жамиятнинг маънавий ривожланиши тархий тажрибаларга асосланishi, бу борадаги тажрибаларни чукур ўрганишни тақозо қиласди.

6. Маънавият ва демократия ягона, ўзаро уйғун, бир бутун жараён-дир.

15-мавзу. Фан ва таълимнинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти

2 соат маъруза

РЕЖА:

1. Фаннинг жамият тараққиётидаги ўрни.

2. Мустақиллик шароитида фан тараққиётининг устивор йўналишлари, вазифалари ва илмий ҳодимлар тайёрлаш масаласи.

3. Ўзбекистонда янгича таълим ва тарбия тизимларининг қарор топиши демократик жамият қуришнинг муҳим омилидир.

4. Таълим-тарбия, фан ва маданият бирлиги - буюк келажакка эришиш кафолатидир.

1. Фан тараққиёти мураккаб, обьектив ва жамият ривожланиши учун энг муҳим бўлган ижтимоий ҳодисадир. Фан тараққиёти масаласини, у ёки бу йўналишда, деярли барча ижтимоий ва табиий фанлар ўрганади. Фанда асосий масала фан тараққиётининг ҳозирги даврга хос бўлган хусусияти саналади. Демократик жамият қуриш жараёнида фан тараққиётининг давлат томонидан бошқарилишида тубдан ўзгаришлар содир бўлди ва бўлмоқда. Бу муҳим ўзгаришларни кўрсатиб ўтиш ушбу мавзунинг асосий масаласидир. Шунингдек, фан тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган таълим ва тарбия масаласида ҳам жиҳдий бурилишлар мавжуд. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида таълим ва тарбиянинг янги, илғор тизими шаклланмоқда. Бу ҳам бево-

сита бизнинг фанимизга оид бўлган хислатдир. Яна бир муҳим масала фан тараққиётининг; янги таълим ва тарбия тизими шаклланишининг маънавият ва марифат билан узвий боғлиқлигидир. Умуман маънавият, бир томондан, жамият ривожланишининг маҳсули ва инъикоси бўлса, иккинчи томондан у жамият тараққиётининг, жумладан, фан тараққиётининг муҳим заминлари ва шартларидан бирни ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз ўзимизнинг мулоҳазаларимизни маънавият ва маърифатнинг уйғунлигидан бошлаш лозим деб билди. Яна шу вазиятни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, давлат фан тараққиётини ривожлантириш борасидаги ўзининг фаолиятида асосан ташкилий масалаларга эътибор беради. Умуман демократик жамият куриш жараёни ташкилий ишларга раҳбарлик қилиш борасида тубдан ўзгаришлар амалга ошириши лозим. Бу фан ва таълим-тарбия масаласига ҳам дахлдордир.

2. Мамлакатимизда мағкура борасида якка ҳокимликка барҳам берилиши фан тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Зеро, илмий изланишлар, тадқиқотлар ҳам якка мағкура ҳокимлиги таъсиридан холи бўлди. Бу вазиятлар фан ҳодимларининг ижодига баракали таъсир кўрсатди.

Олдинги маърузаларимизда айтиб ўтганимиздек, маънавият, жамият ва ҳар бир инсоннинг маънавий юксалиши демократик жамият барпо қилишнинг муҳим шартларидан бири. Ўз навбатида, маънавият билан боғлиқ жараёнлар, яъни жамиятнинг маънавий юксалиши маърифат ишлари билан узвий боғлиқ. Қолаверса, кўпчилик назариётчилар, давлат арбоблари, донишмандларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра маънавиятнинг энг асосий устунларидан бири - бу маърифатдир. Маърифатсиз маънавият йўқ.

“Маърифат” атамаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ошириш, таълим-тарбия борасидаги фаолиятни ифода этиш учун кўлланилади. Ҳозирги даврда таълим ва тарбиянинг энг муҳим йўналишларидан, кўринишларидан бири - бу дунёвий фанларни ўқувчи-ёшларга, жумладан, талабаларга ўргатишdir. Демак, Узбекистонда демократик жамият куриш жараёни маънавиятнинг устунларидан, шартларидан бири бўлган, таълим ва тарбиянинг асоси ҳисобланган фаннинг тараққиётини, уни ёшлар томонидан чуқур ва мустаҳкам эгаллашини тақазо килади. Қолаверса, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги деярли ҳамма ривожланган демократик мамлакатлар ўзларининг бундай мавқеларига дунёвий фанларни ривожлантириш, аҳолини, айниқса ёшларни замонавий, дунёвий билимлар ва мутахассислик соҳиблари бўлиб етишишлари орқали эришганлар. Умуман фан ва таълимнинг ривожланишисиз тараққиётга, унинг кўринишларидан бири бўлган демократик жамиятни барпо қилишига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов ўзининг рисола ва нутқларида, олимлар билан бўлган учрашувларда,

кatta-кatta анжуманларда илм-фанини, айниқса фундаментал фанларни ривожлантирасдан туриб, янги демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиёти муносабатларини тұлық шақлантариш мүмкін эмаслигини жуда қатый таъқидламоқда ва бу борада хукуматимиз зарур чоратадбирлар белгиламоқда. Илмий изланишлар, қолаверса, бутун таълим ва тарбияни ҳозирғи давр талаби ва рақобатчилик асосида ташкил қила билиш катта ахамиятта зга. Рақобат воситасида кучли, долзарб илмий изланишлар сақлаб қолинади. Шунингдек, рақобат воситасида илмий даргохлар ҳам ўзларини күрсата билишлари лозиг.

Фан тараққиетида ҳозирғи даврнинг ўзига хос яна бир муҳим томони фан ютуқларининг ишлаб чиқарыш жараёни билан чамбарчас болғылғицир. Демак, фан билан болғыл назарий ва амалий фаолиятларимиз бир бутун бўлиши лозим. Демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларида ҳам ижтимоий, ҳам табиий фанларда янги соҳалар ҳам вужудга келмоқда. Бунга социология, сиёсатшunosлик, маркетинг, менежмент, давлат бошқаруви кабилар мисол бўла олади. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ҳозирғи қийин, мураккаб шароитда фаннинг ривожига эътибор ортиб бормоқда. Президент Ислом Каримов тақлифига биноян "Академия фонди" ташкил топиши, олий таълим ва кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда ҳозирғи кунларда олиб борилаётган энг муҳим илмий изланишлар давлат ва жамият бошқарувидаги ислоҳотлар, мамлакатимизнинг дон, ёқилг-энергетика борасидаги мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни янада ривожлантириш, бозор иқтисодиётини барпо қилиш ва ривожлантириш жараёнлари билан чамбарчас болгланган. Шунингдек, илмий изланишларнинг натижаларига, самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикасида фан ва техниканинг янада ревожланишида 1992 йил ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат Кўмитасининг фаолияти алоҳида ахамиятга зга деб биламиз. Бу ташкилот фан тараққиети билан болғыл вазифаларни бажаради. Жумладан, илмий изланишларнинг устивор йўналишлар дастурини яратиш, бунёд қилинган ёнги технология маҳсанозмани амалга ошириш, уни ишлаб чиқарыш томонидан ўзлаштириш каби жараёнлар билан бевосита шугулланади. Шуниси эътиборга лойиски, давлат томонидан фан учун ахратилган маблагларнинг 54 фоизи фан ютуқларини амалга ошириш учун сарфланмоқда. Айни замонда, давлат томонидан фан учун ахратилган маблаглар йилдан йилга ортиб бораюнда. Чунонки, 1996 йил фан учун ахратилган маблаглар 1993 йилдагига нисбатан 13 фоизга кўпdir. Фан учун ахратилган маблагларнинг 20 фоизи фундаментал фанларнинг ривожланши учун сарфланади.

Тұғри, сабық иттифоқ шароитида ҳам фан ва техника давлат құмасы мавжуд зди ва у фан ривожланишининг давлат томонидан бошқарылиши билан бөглиқ вазифаларини болжариб келган. Лекин фан билан ишлаб чиқариш орасыда жуда катта узилиш мавжуд, чунончи, олиб бориладиган илмий изланишлар жуда кенг йұналишда бўлсада, аммо улар бевосита иктисодий эхтиёжлар билан бөглиқ талаблардан келиб чиқмаган зди. Бу борада ҳам маъмурый-буйруқбозлик усули ҳукмрон бўлган. Эндиликда фан ривожланишининг давлат томонидан янгича бошқарув усулининг ташкил қилиниши натижасыда бундай узилишларга барҳам берилмоқда. Илмий изланишлардан бошлаб янги ишлаб чиқариш технологиясини бунёд қилиш, унинг асосида рақобатга дош берадиган сифатли, арzon маҳсулотларни яратиш билан бөглиқ бўлган ягона бир бутун тизимни жорий қилиш ушбу құмитанининг бош вазифасидир. Бу тизимни ташкил қилиш иктисодий тәжамкорлик тамойиллари устиворлиги асосида илмий-техникавий тараққиёт йўлини белгилаш орқали йўлга қўйилмоқда.

Фан ва техника тараққиётини бу йұналишда белгилаш демократик жамиятнинг зарурий шартларидан бири бўлган бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиқади.

Фан ва техника Давлат Құмитаси фан тараққиётининг механизмини ва унинг давлат томонидан бошқарылишини ҳам ишлаб чиқди. Ҳозирги кунда республикамиз, қийинчиликларга қарамасдан, кучли илмий-техникавий имкониятларга ва илмий-амалий салоҳиятга зга. Ҳодимлар фақат катта илмий текшириш институтларида змас, шунингдек, киник илмий корхона ва фирмаларда ҳам сермаҳсул иш олиб бормоқдалар. Бу вазият фаннинг ишлаб чиқариш билан бөгләнишида мұхим аҳамаятга зга бўлмоқда. Умуман ҳозирги шароитда фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда киник корхоналарнинг фаолиятлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги шароитда бу масалага ижодий ёндошишни ташкил қилиш мұхим ўрин тутади. Умуман илмий изланишларнинг натижаларига баҳо бериш ва уларни рагбатлантириш бозор иктисодиёти талаблари асосида ташкил қилинганд.

Мустақиллик йилларида фан тараққиёті жараённанда карвонбошилик қилиши лозим бўлган Республика Фанлар Академияси фаолиятiga ҳам эътибор ошди. 1993 йилнинг 5 ноябрьда Республика фанлар академиясынинг 50 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Үнда Президент Ислом Каримовнинг иштироки ва сермазмун нутқи, академия фаолиятини белгиловчи янги низомнинг қабул қилиниши, академияга янгича усолда сайлов ўтказишлар, табиий ва техникавий фанлардаги ютуқлар учун буюк мутафаккир Ал-Хоразмий ва ижтимоий-гуманитар фанлар борасидаги катта хизматлар учун буюк шоир ва олим Мирзо Бобур номи билан аталадиган медалларнинг таъсис этилиши фикримизнинг исботидир.

